*Mustaqillik huquq demakdir*

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

# 15 (381)

| Aprel | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D. | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| S. | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ch. | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| P. | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| J. | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Sh. | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Y. | 3 | 10 | 17 | 24 | |

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan. WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: info@huquq.uz

**RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA**

Ўтган ҳафтада Республика Бош прокурори Рашитжон Қодиров яқинда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази раҳбари этиб тайинланган жаноб Мирослав Енчни қабул қилди. Қабул чоғида Бош прокурор ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази билан Бош прокуратура ўртасида изчил ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётган ҳуқуқий ҳамкорлик ҳолати қониқарли эканлигини таъкидлаб ўтди.



Учрашувда Ўзбекистон Бош прокуратураси билан ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази ўртасидаги ҳуқуқий ҳамкорликнинг, айниқса коррупция, терроризм ва одам савдосига қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболи муҳокама қилинди. Мулоқот дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

## ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА



* * *

Шунингдек, ўтган ҳафтада Бош прокурор Рашитжон Қодиров ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари лавозимига қайтадан тайинланган Муҳаммад Ризо Ҳусайнийни ҳам қабул қилди. Қабул чоғида Бош прокуроримиз меҳмонга Ўзбекистондаги прокуратура органларининг тузилиши, функция ҳамда вазифалари, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб берди.

Жаноб Муҳаммад Ризо Ҳусайний ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ёрдамида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, ташкилотнинг режалари хусусида сўзлаб берди.

Учрашувда Бош прокуратура билан ЮНИСЕФнинг ваколатхонаси ўртасидаги ҳамкорлик истиқболи муҳокама қилинди, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинди.



Учрашувда Бош прокурор ўринбосари П.Бобожонов, халқаро ҳуқуқий бўлим бошлиғи А.Муҳамедов ва вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи Т.Умаровлар иштирок этдилар.

**Халқаро-ҳуқуқий бўлим.**

***Суратларда:*** *Учрашувлардан лавҳалар*

**Суратлар муаллифи В.МИСИН**

## Республика Бош прокуратураси матбуот маркази хабар қилади

**2005 йил 4 апрел куни Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚ ва ТҚКБ ходимлари томонидан махсус тадбир ўтказилди. Муқаддам судланган фуқаролар Вадим Цой ва Хилолитдин Асомутдиновлар ўзларини ички ишлар органи ходимлари деб таништириб, тадбиркор Камолиддин Қурбанбаевни «ҳаётинг гаровга қўйилган» дея қўрқитган. Уни бегона хонадонда қийноқда ушлаб, 500 минг АҚШ доллари талаб қилишган. Талаб қилинган пулнинг 50 минг АҚШ долларини олдиндан олиб, яна 50 минг АҚШ долларини товламачилик йўли билан олаётган вақтларида далилий ашё билан ушланганлар. В. Цой ва Х. Асомутдинов жиноят ишида гумонланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинди.**

* * *

**2005 йил 6 апрел куни Сирдарё вилоят ИИБ жиноят қидирув ва наркотрафикка қарши курашиш бўлими катта тезкор ходими Актам Сулейманов бошқарувидаги ИИБга қарашли автомашина «Янгиобод» ЙПХ масканида тўхтатилиб кўздан кечирилганда, унинг кийимлари ичидан пакетга ўралган қора шилимшиқ модда топилган. Экспертиза хулосасига кўра, А. Сулейманов кийимларидан топилган модда 19,37 грамм «опий» гиёҳвандлик воситаси эканлиги маълум бўлди. Ҳозирда гумондорга нисбатан вилоят МХХ бошқармаси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.**

* * *

**«Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси мансабдорлари мамлакатимиздан экспорт қилинган табиий газ эвазига, магистрал газ қувурлари қурилиши учун олиб келинган, ҳақиқий нархи 405-715 АҚШ доллар бўлган турли ҳажмдаги трубаларни қиммат нархларда сотиб олишиб, давлатга 28 млн. АҚШ доллари миқдорида зарар етказганликлари аниқланди. Айбдорлардан зарарнинг 500 минг АҚШ доллари нақд пул шаклида, қолган 20,2 млн. АҚШ доллари моддий техника ресурсларни олиб қўйиш орқали ундирилган.**



*Миллий анъаналаримизни давом эттириб, янада бойитишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётганлар Гулистон шаҳрида ҳам кўпчиликни ташкил этади. Гулистон шаҳридаги «Моҳира» ўқув маркази раҳбари Муҳаббат Атаева ана шундай инсонлардан биридир.*

*Суратда:* Муҳаббат АТАЕВА шогирди билан.

**2005 YIL — SIHAT-SALOMATLIK YILI**

## ПРОКУРОР ШАХМАТЧИЛАР БАҲСИ

**Ўзбекистон Бош прокурорининг 2 февралдаги фармойишига мувофиқ «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан прокуратура идораларида амалга ошириладиган тадбирлар дастури ишлаб чиқилган эди. Унда прокуратура идоралари ходимлари ўртасида шахмат, теннис ва футбол бўйича мусобақаларни босқичма-босқич ўтказиб бориш алоҳида таъкидланган. Ушбу дастурга мувофиқ Хоразм вилоят прокуратураси ва СВОЖҚК бошқармаси ходимлари ўртасида баҳслар бошлаб юборилди.**

**Вилоят прокуратурасининг хушманзара боғида шахмат мусобақаси қизғин тарзда ўтди. Унда 24 нафар ходим ўз иқтидорини синаб кўрди. Якунда 1-ўрин вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Файзулла Худойбергановга насиб этди. 2- ва 3-ўринларни Урганч туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими бошлиғи Х.Оллаберганов ҳамда Хонқа тумани прокурори Қ.Раҳмоновлар эгаллашди. Ғолиблар пойтахтда бўлиб ўтадиган прокуратура ходимларининг республика биринчилигида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиб, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.**

**Азизбек ВАҲОБОВ,**
**Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

Шу кунларда барча вилоят прокуратураларида шахмат бўйича мусобақалар якунига етиб, ғолиблар аниқланди. Эндиликда улар яқинда Тошкентда ўтказиладиган прокуратура ходимларининг республика биринчилигида иштирок этадиган бўлишди.

**Моҳият**

*Жаҳонда қидириб,*
*кимдан сўрмадим,*
*Яхши хулқдан*
*яхши нарса кўрмадим!*

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ**

**Ушбу сонда:**

ФЕРМЕР ВА ТЕНДЕР

3-бет
JURNALIST SURISHTIRUVI

ЕТТИ ЙИЛЛИК СИР

5-бет
SUD OCHERKI

МАҲКУМЛАР

7-бет
MUSHOHADA

# СВОЖҚҚК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**ОЛТИАРИҚ** туманидаги ЙПХ масканида фуқаро Қ.Умаровнинг автомашинаси текширилганда, унинг юкхонасида Б.Алиевга тегишли чет элда ишлаб чиқарилган ҳеч қандай ҳужжатсиз 10 млн. 195 минг сўмлик дори-дармон воситалари сотиш учун олиб кетилаётгани маълум бўлди. Ўтказилган тадбирда «Паҳлавон» ХФ экспедитори Б.Алиев ва Ф.Раҳмоновалар ўзаро келишиб, Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган, ҳеч қандай ҳужжатларсиз дори-дармон воситаларини Наманган вилояти ҳудуди орқали олиб кетаётгани аниқланиб, божхоначилар томонидан тўхтатилган. Бироқ далилий ашё сифатида олинган ушбу дори-дармонлар сақлаш учун божхона терминалига олиб борилган бўлса-да, асоссиз равишда терминалдан чиқариб юборилган. Шунингдек, Андижон шаҳри, Лаҳутий кўчаси 10-хонадон кўздан кечирилганда 7 турдаги 168.907 дона конвалюта ва 768 дона маз борлиги аниқланди. Далилий ашё сифатида олинган ушбу дори-дармонларнинг фақатгина 4 тури 336 млн. 980 минг сўмга баҳоланган.

Бундан ташқари Кўқон шаҳридаги Московская кўчаси 5-хонадонидан чет элда ишлаб чиқарилган 42 турдаги бир неча ўн миллион сўмлик дори-дармон воситалари далилий ашё сифатида олинган.

* * *

**«САВДО ПЛЮС БАРАКА»** КТХК раҳбари А.Ишматов «Пойтуғ пахта тозалаш» ва «Асакатекстил» ХЖ мансабдорлари билан ўзаро келишиб, «ундирув ҳуқуқини учинчи шахсга ўтказиш тўғрисида» шартнома тузганлар. Бу орқали «Асакатекстил» ХЖдан олинган 129.999.700 сўмлик текстил маҳсулотларини ўзлаштирадилар. Шунингдек А.Ишматов 2004 йилда 1 млрд. сўмдан ортиқ савдо айланмасини амалга ошириб, ҳисоботларда 67.200.000 сўм қилиб кўрсатгани, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келаётгани маълум бўлди. Яна А.Ишматов 29.271.000 сўмлик шакарни қайта сотиб, савдодан тушган пулларни банкка топширмаганлиги аниқланди.

* * *

**«ОҚДАРЁ»** ЙПХ масканида фуқаро Қ.Марупов бошқарувидаги «Нексия» тўхтатилганда, у сохта ҳужжатларга асосан 20 минг АҚШ долларини олиб кетаётгани аниқланди. Текширишларда бу долларларни «Пахта банк»нинг Иштихон туман бўлими ходимлари А.Атауллаев, С.Имомқулов ва бошқалар келишган ҳолда уч нафар фуқаролар номига расмийлаштириб, Қ.Маруповга сотганлиги маълум бўлди.

* * *

**НАРПАЙЛИК** А.Ҳасанов тадбиркор бўлишни истаб қолди. Шу мақсадда ўз уйида пахта ёғи ишлаб чиқарадиган цех ташкил қилди. Лекин ҳаммаси бинойидек кетаётган бир пайтда унинг фаолиятига якун ясалди. Негаки «тадбиркор» ноқонуний фаолият кўрсатаётган, давлатга солиқ тўламаётган экан. «Тадбиркор»дан 6150 кг. чигит, 20 литр тозаланмаган пахта ёғи ва мойжувоз далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

* * *

**«ЎЗТАДБИРКОРБАНК»нинг** Хўжайли туман бўлими мансабдорлари уддабуронликда ҳаммадан ошиб тушди. Улар ноқонуний равишда ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан «Елтай» ХФ раҳбари С.Есназаров номига 3 млн. сўмлик кредитни расмийлаштириб, пулларини ўзлаштириб юборадилар.

**Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.**

OCHIQ MULOQOTLAR

# Тадбиркорни ким ҳимоя қилади?

*Ўзбекистон президентининг 2005 йил 28 январ куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги маърузасида кичик ва ўрта бизнес субъектларини, фермерчиликни ривожлантириш бугунги куннинг устувор йўналиши эканлиги таъкидланган эди. Республика Бош прокуратураси ҳайъат мажлисининг 2004 йилги фаолияти якунига бағишланган қарорларида ҳам тадбиркорларга кенг шарт-шароит яратиб беришга кўмаклашиш лозимлиги акс этганди.*

*Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, яқинда Хоразм вилояти прокуратураси ташаббуси билан вилоят ҳокимлигида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказилди.*

Учрашувда вилоят ҳокимлигининг мутасаддилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат назорат органлари, вилоят ва шаҳар, туман савдо-саноат палаталари раҳбарлари иштирок этди. Мулоқотда тадбиркорлар ўзларининг муаммолари ва уларни ҳал қилиш бўйича таклифларини билдирдилар. Баъзи муаммолар шу ернинг ўзида ечимини топди.

Айрим тадбиркорлар қўлбола дастгоҳларда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат, қандолат маҳсулотлари ички бозорларда сотилаётгани, аҳолининг уларга эҳтиёжи катта эканлиги таъкидланди. Аммо вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан фаолияти текширилиб, товар қўлболалиги учун маъмурий жарима солинаётганлигини айтар экан, бир гуруҳ тадбиркорлар бу масалада ёрдамга муҳтож эканликларини тушунтиришди.

Хоразм вилоят прокуратураси мутасаддилари бу борада қуйидагиларни таъкидлашди: биринчидан, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига кўра, сифати ва хавфсизлигига доир норма ва қоидаларга мослиги баҳоланганидан ва давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина товар ишлаб чиқарилиши, мамлакат ҳудудига олиб кирилиши, реализация қилиниши ва ишлатилиши мумкин.

Қолаверса, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб кирилаётган, республика ичкарисида муомалага рухсат берилган озиқ-овқат маҳсулотларини ва ускуналарини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан давлат санитария назорати органлари берадиган гигиена сертификати асосида амалга оширилиши юқоридаги қонунда кафолатлаб қўйилган. Демак, тадбиркорлар ўзлари қўлбола усулда ясаган дастгоҳларга давлат санитария назорати органлари орқали гигиена сертификати олишлари ва буни синов ва сертификатлаштириш марказига тақдим этиб, давлат рўйхатидан ўтказишлари зарур бўлади.

Ушбу қонуннинг 7-моддасига биноан озиқ-овқат маҳсулоти, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва у билан савдо қилишга мўлжалланган технологиялар, ускуна, буюм ва воситалар ҳам уларнинг меъёрий қоидаларга мослигини тасдиқлаш мақсадида сертификатланиши лозим. Қонунда қайд этилган бу талаблар бевосита мулоқотда теран атрофлича тушунтириб берилди. Шунингдек, тадбиркорлар озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулот рецептини давлат санитария назорати органи билан келишиши, ўлчов асбобларини қиёслашдан ўтказиши керак. Мулоқотда бу ҳақда ҳам етарлича маълумот берилди.

Катта ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тадбиркорлик корхоналари имкониятига қараб маҳсулотни ўзларининг лабораториясида синовдан ўтказиб, кейинчалик истеъмолчига сотиши лозим. Бунга имкони бўлмаган ишлаб чиқарувчилар эса вилоят синов ва сертификатлантириш маркази лабораторияси билан шартнома тузишлари шарт.

Агар тадбиркор сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариб сотса, юқоридаги қонунлар ва «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун талаблари, фуқароларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқлари бузилишига ва уларнинг соғлиғи хавф остига қўйилишига сабабчи бўлади.

Хоразм вилоят прокуратураси томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, қонунийликни таъминлаш юзасидан доимий назорат олиб борилмоқда. Ишда юзага келган ҳар қандай тўсиқни бартараф этиш юзасидан тадбиркорлар бизнинг маҳкамага бемалол мурожаат қилиши мумкин. Муаммоларни биргаликда ҳал этамиз.

**Баҳодир САРДОРОВ,**
**Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

QAROR VA IJRO

# НОННИНГ УВОЛИ ЁМОН

Шу йилнинг 5 мартида «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги президент қарори эълон қилинди. Қарор ижроси юзасидан Бош прокуратура органлари томонидан тегишли тадбирлар белгиланиб, экинларнинг пайҳон қилиниш ҳолатлари бўйича жавобгарлик чоралари кўрилмоқда.

Экинларнинг пайҳон қилинишининг олдини олиш мақсадида вилоятларда 7393 та кузатиш пунктлари ташкил қилинди. 29.433 нафар дала қоровуллари учун 1670 та от ажратилди. Бу ишга 4336 нафар ички ишлар идоралари ходимлари жалб қилинди. Шунга қарамай, жойларда чорва эгаларининг лоқайдлиги туфайли ғаллани пайҳон қилиш ҳоллари учрамоқда. Жумладан, Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида яшовчи Н.Тоштемировнинг 16 бош моли Амир Темур номли ширкат хўжалигидаги 11,9 гектар ғаллазорни пайҳон қилгани оқибатида хўжаликка 496.000 сўм зарар етказган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Таҳлилларга кўра, республика бўйича чорва моллари томонидан 418 та ҳолатда 116 гектар ғаллазор пайҳон қилинган. Айбдорлардан 1.700.000 сўм жарима ундирилган.

Бундай нохуш ҳолатлар асосан Тошкент, Наманган, Андижон, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон республикасига тўғри келади. Айрим ҳудудларда экинларни пайҳон қилиш ва исрофгарчиликдан асраш бўйича тадбирлар етарлича амалга оширилмаган.

Фарғона вилоятининг Риштон, Боғдод, Бешариқ ва Охунбобоев туманлари ширкат ва фермер хўжаликлари далаларида экинларни пайҳон қилиш жойларида кузатув постлари ташкил этилмаган. Дала қоровулларининг иш самарадорлиги етарли даражада.

Қайд этилган туман ҳокимларига аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритилган.

Қаерда лоқайдлик мавжуд бўлса, ўша ерда жиноят содир бўлади деб кўп бор такрорлаймиз. Бу сўзда мантиқ бор. Бугунги кўм-кўк майса эртага донга айланади. Бунинг учун деҳқоннинг қанча меҳнати кетмоқда. Ўзганинг меҳнатини йўққа чиқариш эса жиноят. Буни ҳар бир фуқаро ҳис этиши керак.

**Эркин ТЎРАЕВ,**
**Республика Бош прокуратурасининг бошқарма катта прокурори**

PROKUROR NAZORATI

# АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

***Болани гўдаклигиданоқ шундай тарбияламоқ лозимки, у яхши-ёмон, адолат ва ҳақсизлик, ҳалол-ҳаром орасидаги фарқни теран англашга эришсин. Негаки, бир кун келиб юрт тақдири уларнинг қўлига ўтишини унутишга ҳаққимиз йўқ.***

Агар шу маънода қарайдиган бўлсак, Навоий шаҳар халқ таълими бўлимида баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ҳаёт талаблари билан ҳамнафас тарбиялаш ишлари кўнгилдагидек олиб борилялти, деб бўлмайди. Йўқса бурч, масъулият каби тушунчалар бир ёнда қолиб, алдов ва ғирромлик нималигини билиб улгурмаган софдил болаларнинг нони туя қилинармиди?

Шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 9-болалар боғчаси мансабдорлари болалар ризқига шерик бўлишнинг силлиқ услубларини ўрганишган. Улар ўз ваколатидан фойдаланиб, 166.088 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини таомномаларга қўшиб ёзиб, ҳисоботлардан ортиқча харажатларга чиқаришган.

Ўзлаштирилган маҳсулотларни эса «болалар еб-ичишди» дея ҳукм чиқаришган.

Боғча мансабдорлари 2003 йилнинг май-ноябр ойлари фуқаро Н.Эргашевага тўланиши лозим бўлган 92.504 сўмлик, М.Юсуповага тегишли 11.854 сўмлик, Б.Розиқовга тегишли 15.430 сўмлик иш ҳақини ведемостларга ёзиб, ушбу пулларни тарқатмай, 129.738 сўмлик иш ҳақини гумдон қилишган.

Шунча қилғиликни қилиб, кўпнинг ҳақига кўз олайтирган раҳбарларни шаҳар халқ таълими бўлими эркалатиб қўяркан-да, деб ўйларсиз. Аслида «балиқ бошидан» деганларидек, бўлимдаги масъул ўртоқлар назорат ўрнатиш ўрнига ўзлари ҳам болалар ҳақидан умидворлик қилишмоқда. Йўқса, бўлим мансабдорлари ўз мавқеларини суиистеъмол қилиб, таъминотчи корхоналардан 2003 йилда 371.447.400 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотини олиб, шундан 7.695.100 сўмлигини бозор нархидан анча қимматга баҳолашармиди?

Энди улар қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

**Раҳимжон МАҲАМОВ,**
**Навоий шаҳар прокурори ўринбосари**

ILLAT

***Қоронғу тушиб, шаҳар чироқлари бир-бир ёна бошлади. Дадиллик учун коньякдан юз-юз «отиб» олган навжувонлар галдаги сайрга отланишди. Самарқанд шаҳридаги Акмал Икромов номли гавжум кўчанинг автобекати ёнида гўё йўловчилардек кўзлари олма терарди.***
***Сал нариροқдаги «эски мижозлар»дан икки нафари уларга яқинлашиб, нималарнидир шивирлашди. «Малика»лар уларга ясама табассум ҳадя этиб, катта йўл ёқалаб кета бошлашди. Бу орада сипо кийинган яна уч-тўрт жазман билан келишув фойдасиз бўлди. Нарх паст бўлгани учун, яна олға жилишди. Сал ўтиб ораста кийинган, келбатли йигит — Шуҳрат Б.га дуч келишди. Йигит «тунги капалаклар»нинг тузоғига осонгина илинди.***

# Ғофил бандалар

— Майсарахондек гўзал қизлар учун бўлса майли, — Шуҳрат чўнтагидан 2 дона мингталикни олиб, ҳурлиқога узатди. — Қолганини иш битгандан кейин...

Жувон пулни дугонасига тутқазди: «Бу сенга, энди боравер. Бу йигит менга ёқиб қолди».

Шуҳратбой жононни таксида шаҳарнинг бир четидаги ётоғи томон бошлаб кетганида, бу ишнинг тузоқ эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Даста пулларни кўрган Дилшода М. жиноий шерикларига хабар қилди. «Бахтли жуфтлик» ортидан етиб борган босқинчилар Шуҳратни «гуноҳ иш» устида тутиб, роса дўппослашди. Кейин эса бор-будини талаб кетишди. Ҳам жонондан, ҳам пешона тери билан топган 284.000 сўмидан айрилган «ошиқ» йигит ўйлай-ўйлай милиция таянч пунктига йўл олди.

Ўзгалар мулкини босқинчилик билан қўлга киритишда устаси фаранг бўлган Дилшода М. ҳамда икки-уч бор темир панжара ортида «дам олиб» қайтган Ф.Қобилов, А.Тоғаев, А.Шамсуддинов, Б.Расуловлар қилмишларига яраша жавобгарликка тортилди.

Бироқ ор-номус, шармандаликдан қўрқмай, аро йўлда алданиб қолган эркаклар ҳам кам эмас. Ортиқча эҳтиросга берилган, субутсиз одамлар ўз вафодори уйда туриб, орини бозор айлаган «малак»лар изидан ахтаради. Аслида ўшаларга инсоф берсин.

**Мавлуда ЭРГАШЕВА,**
**Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

JURNALIST SURISHTIRUVI

# Фермер ва тендер

*(иккинчи мақола)*



Тендер бозор иқтисодиётига хос тушунча бўлиб, бизнес, инвестицион ёки инновацион лойиҳаларнинг танлови ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизда бундай танлов шакли илк бора кенг миқёсда фермер хўжаликлари ташкил этишда қўлланилди. Кўпгина туманлардаги тендер комиссиялари танловларни бекаму-кўст ўтказаётганлигига шубҳа йўқ. Лекин таҳририятимизга келаётган мурожаатлардан аҳвол ҳамма жойда бирдай эмаслигини билиб олиш мумкин. Бунинг сабаби битта: ҳали ҳам жойларда бозор иқтисодиёти талабларини тўғри англамайдиган, ватан манфаатларини майда хоҳишлар йўлида қурбон қилишга тайёр бўлган шахслар мавжуд. «Huquq» газетасида йил бошидан бери бу мавзуда бир нечта мақола чоп этилди. Бундан мақсад битта — ер ҳақиқий эгасини топсин, нохолисликка, адолатсизликка йўл қўйилмасин!

Сирдарё вилояти Сирдарё тумани «Соҳил» ширкатлар уюшмасидаги «Соғишмон» ва «Жумақул» фермер хўжаликлари ўртасидаги ер талашишга оид ишни ўрганган одам ажабланиши тайин. Бу иш бир неча йил хўжалик судининг барча инстанцияларида кўрилган бўлса-да, ҳалигача якунига етгани йўқ. Таажжуб. Бу кўҳна деб аташга лойиқ тортишувга прокуратура, адвокатура ва ижро органлари ҳамда матбуот вакиллари ҳам иштирок этиб келаётганини бир том бўлиб йиғилган ҳужжатлардан билиш мумкин. Хўжалик судида барча инстанцияларни қўшиб ҳисоблаганда саккиз марта муҳокама қилинган иш қачон якунига етиши номаълум дейишга асос бор. Ер талашаётган томонларнинг фикрлари билан танишар эканмиз, бир ҳикоя ёдга тушди.

Бир бой хизматчисига кўп йиллик меҳнатлари учун ер инъом қилишини билдириб, дебди:

— Қуёш чиққанидан кейин ғарбга томон югуравер, кун ботгунча йўл босишинг мумкин. Кун ботган заҳоти тўхтайсан. Қўлингдаги таёғинг охирги теккан ер чегара бўлади.

Тонг отгач қарол бор кучи билан югуриб кетибди. Иложи борича кўпроқ ерни эгаллаш мақсадида жони борича чопиб, кечга томон мадори қолмай эмаклаб қолибди. Судралиб-судралиб олға интилаётган хизматкор кун ботаётганда батамом кучдан қолибди. Шунда у қўлидаги сўйилини олдинга отиб:

— Ана шу таёқ тушган ер ҳам меники, — дебди-да, жон берибди.

Энди мақоланинг асил мавзусига қайтадиган бўлсак, битта саволга жавоб излаш ўринли бўларди: тендер ҳақиқатан талаб даражасида ташкиллаштирилганмиди? Нега бу иш бир неча йиллардан бери чўзилиб келаётир? «Qonun himoyasida» журналининг 2004 йил 12-сонидаги «Ер сеникими ёки меники?» мақоласида ҳам бу масала қисман муҳокама қилинганди. Илгари «Huquq» газетасининг хатлар саҳифасида ҳам Сирдарё вилояти прокурорининг ўринбосари Турғун Сагатовнинг расмий жавоби эълон қилинганди. Зийрак ўқувчи масаланинг моҳиятидан аллақачон бохабар. Лекин иш якун топавермагач, бу мавзуга қайтишга мажбур бўлаяпмиз.

Сирдарё тумани ҳокимининг 2003 йил февралдаги 215-қарорига биноан «Соҳил» ширкатини тўлиқ фермер хўжаликларига айлантириш белгиланади. Бунда хўжаликнинг ерлари тендер асосида фермерларга тақсимланиши кўзда тутилади. Тендер бўлиб ўтгач, низога сабаб бўлаётган 68-71-контурдаги 27,2 гектар ерни «Соғишмон» фермер хўжалигига ижарага бериш тўғрисида 2003 йил 19 февралда ҳокимнинг 300-қарори қабул қилинади. Ҳамма тортишувга мана шу қарор «старт» беради. Гап шундаки, айнан шу ерлар 2001 йил 2 мартдан бошлаб «Жумақул» фермер хўжалигига тегишли бўлиб келган. Адолат нуқтаи назаридан шуни айтиш керакки, бу ерлар илгари шўр босиб, чакалакзор бўлиб ётганлиги туфайли «Жумақул» фермер хўжалигига ўзлаштириш учун берилган эди. Икки йил давомида Б.Мавлонов бу ерлардан фойдаланиб келади.

«Соҳил» ширкат хўжалигини тугатиб, фермер хўжаликлари ташкил этишга қарор қилингач, тендер бўлиб ўтади. Тендер комиссиясининг қарорига асосан «Соғишмон» фермер хўжалигига ушбу ерларни ижарага бериш ҳақида юқорида келтирилган қарор қабул қилинади. Қарордан норози бўлган «Жумақул» фермер хўжалиги раиси Б.Мавлонов Сирдарё вилоят хўжалик судига мурожаат этади. 2004 йил 25 февралда бўлиб ўтган суд мажлисида «Жумақул» фермер хўжалигининг даъвоси рад қилинади. Ўша йилнинг 14 мартида эса апелляция шикоятини кўриб чиққан суд ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиради. Май ойининг учинчи куни эса «Жумақул» фермер хўжалиги яна худди ўша хўжалик судига мурожаат қилиб, тендер баённомасини ҳақиқий эмас деб топишни сўрайди. 2004 йил 3 июн куни эса Сирдарё вилоят прокуратураси ва «Соғишмон» фермер хўжалиги ҳам худди шу судга даъво аризаси киритадилар. Уларнинг даъволари мутлақо бир-бирига зид эди. Прокуратура туман ҳокимининг айнан 300-қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво киритган бўлса, «Соғишмон» фермер хўжалиги худди шу қарорга асосан туман ҳокимлигини ижара шартномаси тузишга мажбур этиш тўғрисида даъво киритади. Ҳар учала даъво юзасидан дастлаб алоҳида-алоҳида иш қўзғатилиб, сўнгра судя Исроил Қурбонов томонидан учала иш бирлаштирилади. Хуллас суд жараёнида «Жумақул» фермер хўжалигининг ва вилоят прокуратурасининг даъволари рад этилиб, Сирдарё тумани ҳокимлигини «Соғишмон» фермер хўжалиги билан ижара шартномасини тузишга мажбурлаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Иш шу билан тугамайди. Аксинча, чўзилгандан чўзилиб, апелляция ва кассация босқичларини босиб ўтади. Кассация тартибида ишни кўрган Олий хўжалик суди Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2004 йил 7 июлдаги ҳал қилув қарорини ва апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилади. Ишни мазмунан кўриш учун Тошкент шаҳар хўжалик судига юборади. 2004 йил 29 декабр куни бўлиб ўтган суд мажлисида тарафларнинг важлари атрофлича ўрганилади. Сирдарё тумани ҳокимининг вакили ушбу низоли ер ҳақиқатан ҳам тендерга қўйилмаганлигини, баённома нотўғри ёзилганлигини, шу асосда туман ҳокимининг қарори янглиш қабул қилинганини тан олади.

Ушбу суд мажлисининг ҳал қилув қарорида ёзилишича, «Соҳил» ширкат хўжалиги бўйича ўтказилган тендер рўйхатлари китобига «Соғишмон» фермер хўжалиги раисининг аризаси талабгор тариқасида қайд этилмаган. Бошқача айтганда, «Соғишмон» фермер хўжалиги тендерда умуман иштирок этмаганлиги маълум бўлади. Шунингдек, Тошкент шаҳар хўжалик суди ушбу низоли ер тендерга умуман қўйилмаганлиги ҳақидаги даъвони асосли деб топади. Бунинг боиси ҳеч ким аниқ бир ҳужжатлар асосида 68-71-контурдаги ер тендерга қўйилганлигини исботлаб беролмайди. Туман ҳокимининг вакили 68-71-контурга оид баённома «конвейер тартибида янглиш тузилган»лигини айтади. Шу тариқа олдинги қарорларга тескари равишда «Жумақул» фермер хўжалигининг даъвоси, Сирдарё вилоят прокуратурасининг протести қаноатлантирилади. Ҳуқуқий давлатда охирги сўзни албатта суд айтишига шубҳа йўқ. Лекин кўпчилик судларнинг бир-бирига тўғри келмайдиган қарорларидан қайси бирига ишонишни билмай қолиши тайин. Келинг, томонларнинг ўзидан ҳам эшитайлик.

**Б.Ҳасанов, «Соғишмон» фермер хўжалиги раиси:**

— «Huquq» газетасида олдин чоп этилган мақола асоссиз эканлигини айтмасликнинг иложи йўқ. Бир неча марта бизнинг ишимиз судда кўрилиб, даъволаримиз асосли эканлиги исботини топди. «Соғишмон» фермер хўжалиги тендерда етарлича балл тўплаганлиги ва бошқа талабгорлар йўқлиги боис ер бизга берилган. «Жумақул» фермер хўжалиги раҳбари эса тендерга келган, лекин ўзининг мавжуд 20 гектар ерига оид шартномани бажара олмаганлигини айтиб, тендерга ариза топширмаган. Ер олиш учун 67 та фермер хўжаликларидан ариза тушган бўлса-да, битта фақат бизнинг аризамизгагина туман ҳокимлиги томонидан резолюция қўйилган. Қолган аризалар «Жумақул» фермер хўжалиги раисининг қариндоши К.Ҳасанов томонидан рўйхатга олинган. Лекин рўйхатга олиш рақамлари қўйилмаган. Бундан фойдаланган Б.Мавлонов кейинчалик (2003 йилнинг охирида) тендер комиссияси номига ариза ёзиб, бошқа аризалар орасига қўшиб қўйган.

**Б.Мавлонов, «Жумақул» фермер хўжалиги раиси:**

— «Соғишмон» фермер хўжалигининг 68-71-контурдаги ерни тендерда ютиб олганлиги ҳақидаги даъвоси мутлақо уйдирма. Чунки бу ерларни мен ўзлаштирганман. Тендер комиссиясига мурожаат қилганимда бу ерлар танловга қўйилмаслиги, менинг катта маблағ сарфлаб уни ўзлаштирганлигим эътиборга олиниши айтилди. Табиийки, ерни менга ўзлаштириш учун бериш тўғрисидаги 2001 йили қабул қилинган қарор ўз кучида қолди. Б.Ҳасановнинг қўлидаги тендер баённомаси сохта эканлигига шубҳа йўқ. Сабаби, тендерда «Соғишмон» фермер хўжалигидан ҳеч ким иштирок этмаган. Буни туман фермерлар уюшмасининг раиси А.Абдиев, туман ҳокимлиги вакили А.Мусаев, туман ер ресурслари бошлиғи А.Уришовлар кўп бора таъкидлаган...

Хуллас, иш ҳалигача ниҳоясига етгани йўқ. Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарори чиққан бўлса-да, Б.Мавлонов ҳамон ерни ололмаган, Б.Ҳасанов эса иш ҳали қайтадан судда кўрилишини айтмоқда. Бизнингча, тендерни ташкиллаштиришда туман ҳокимлиги томонидан анча-мунча камчиликка йўл қўйилгани аниқ. Бўлмаса иш бунчалик чалкашиб кетмаган бўлар эди. Масалан, тендер ўтказиш ҳақида матбуотда эълон берилиши шарт эди. Лекин бундай эълон берилгани ҳақидаги маълумотни ҳеч қаерда учратмадик. Шу кунларда эса Сирдарё тумани ҳокимлиги томонидан сўнгги судда ғолиб чиққан «Жумақул» фермер хўжалиги Сирдарё вилоят хўжалик суди қарорига асосан ёпилганлиги маълум қилинди. Туман ҳокимлиги ушбу суд қарорига асосан тегишли қарор қабул қилган. Асос сифатида фермер хўжалиги сурункали равишда давлатга пахта ва ғалла сотиш режасини бажармаганлиги кўрсатилган. Шундай қилиб, орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай «катта сўроқ белгиси»га ҳамон жавоб олингани йўқдай...

**Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,**
**«Huquq» мухбири**

TO`YXAT

## ЛАҲЗАНИНГ ҚАДРИНИ АНГЛАГАН ИНСОН



**Юбилярлар таъби ва меҳнатига хос эҳтиром кўрсатиш бизда одат тусига кириб қолган. Шу кунларда етмишинчи баҳорини қарши олаётган Ўзбекистон прокуратурасининг фахрий ходими Аҳмаджон Шербековнинг ҳузурида бўлиб, умр тўйини нишонлаш хусусида бир тўхтамга келиб олдик.**

**— Шунча тез етмишга кириб қўйганимга ишонгим келмайди, — дейди Аҳмаджон ака. — Биласизми, нима қилдим? Ҳисоблаб кўрсам, шу ёшимгача 840 ой, 3660 ҳафта, 25.620 кун умргузаронлик қилибман. Шунча кунлик қуёш, шунча тунлик ой нурлари менинг учун кўкдан таралганини эслаб, қандайдир таскин топгандек бўлдим.**

**Бу гаплар албатта дилкаш бир инсоннинг вақт хусусидаги хулосалари эди. Аммо ҳаёт анча мураккаб. Унинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.**

**Ҳунарманд оиласида туғилиб улғайган Аҳмаджон аканинг ёшлик йиллари қувонарли ўтгани йўқ. Жиззах вилоятининг Бахмал тумани Ўрамали қишлоғида унга қадрдон бўлмаган гўша қолмаган. Урушдан кейинги йилларда эркаклар кучи унча етишмасди. Ўнинчи синфни битиргач сувчи, нончи, табелчи бўлиб эл қатори ишлади. Ҳарбий хизматдан анча тетикланиб, ҳаёт ҳақидаги қарашлари ўзгариб қайтди. Мақсад йўлидаги қатъият уни Ўрта осиё давлат университети (ТошДУ)нинг юридик факултетига бошлади.**

**Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармасига ишга йўлланган Аҳмад Шербеков топшириқларни тўлақонли бажаришга ҳаракат қиларди. Унинг ишларидан кўнгли тўлиб юрган шаҳар прокурори Аҳмаджонни ёнига чақириб, бирга ишлашга кўндирди. Мана, ўшандан буён ҳам қанча сувлар оқиб ўтмади... Узоқ йиллар Оқдарё туманига прокурорлик қилиб, одамларнинг меҳрини қозонди.**

**Прокурорнинг хато қилишга ҳаққи йўқ. Сенинг дастингдан кимдир беҳуда азият чекканини, бола-чақаси усиз хор-зор бўлиб юрганини эслашнинг ўзи бир азоб эмасми? Шу боис А.Шербековнинг фаолиятида ҳалоллик, адолат асосий мезон бўлиб келган. Мана шу йўлда сочи оқарди. Адолат учун курашлар дилига мамнуниятни, кўнгил хотиржамлигини, пиру бадавлатликни инъом этди.**

**Тўй-ҳашамларда, маҳалла-кўй орасида ҳурмат-эътибори бор. Ҳурмат қилган эди, ҳурмат кўраяпти. Шогирдлар кўнглига яхшилик уруғини сочган эди, энди ўша уруғлар ҳузурбахш нишонасини намойиш этмоқда.**

**Суҳбат орасида негадир Аҳмаджон акадан кўнглида бирор армон, ушалмаган орзуси бор-йўқлиги ҳақида сўрагим келди.**

**— Армонми?.. Ҳа, кўнглимга катта армон бўлиб қолган бир ҳолат бор. Ўша йиллари энди терговчиликка тайинланган шижоатли даврим эди. Самарқанд темирйўл вокзали ёнидаги умумий ҳожатхонадан анча эскириб қолган эркак кишининг ўнг қўл ва оёқ суяги топилган. Жиноят иши очилиб, терговни юритиш менга топширилди. Жиноятни очишдан олдин жабрдийданинг шахсини аниқлаш лозим эди. Бу жумбоқни ечиш осон кечмади. Бирдан-бир илинжим марҳумнинг бир қўлида суяк синишининг эски аломати аниқланганлиги бўлди холос. Шунга таяниб, бутун СССР ҳудуди бўйлаб алоҳида топшириқ тайёрлатишга эришдим. Анча оворагарчиликлардан кейин уфалик Марат исмли йигитнинг Ўзбекистонга кетиб, бедарак йўқолгани ҳақида маълумот олдик. Унинг ота-онасидан келган хатда кўрсатилган синиш белгилари топилган суяк синиғига айнан мос тушганди. Тезкор суриштирув чоғида жиноят содир этилган ҳудуд ҳам деярли ойдинлашиб қолди. Эртаси куни эрталаб тезкор гуруҳ билан воқеа жойига етиб борганимизда пастак уйлар бузилиб, унинг ўрнини булдозер кафтдек текис майдонга айлантираётган эди.**

**Биринчи ишимнинг тугал ечим топиши шу тариқа барбод бўлган. Ноилож қидирувни тўхтатдигу кўнглимда бир олам дард қолди. Ҳануз эслаб, қийналиб кетаман.**

**Ҳуқуқшунос тарбияни оиладан бошлаши керак деб ҳисоблайди Аҳмаджон ака. Турмуш ўртоғи Рисолат ая билан худди ана шу ақидага амал қилиб яшашди. Бирин-кетин вояга етган етти фарзандининг барчаси ўқимишли, ҳаётда ўз йўлини топиб, эл-юрт хизматига лаёқатли бўлиб етишишди. Шогирдлар эъзози, зурриёдлар камолини кўришдан ҳам ортиқроқ бахт бормикан?**

**Аҳмаджон аканинг шарафли хизматлари ҳар доим қадрлаб келинган. Бугунги бир нечта мақтов ёрлиғи, медал ва нишонлар чексиз эҳтиромнинг бир қисми холос.**

**Сўзимнинг охирида касбининг фидойиси бўлган Аҳмаджон Шербековни қутлуғ 70 ёши билан жамоамиз номидан қизғин табриклайман.**

**Баҳодир УМАРОВ,**
**Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

SUHBAT

# Келажакнинг ширин меваси

***Хоразм вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Дилшод ИСРОИЛОВ билан суҳбат***



***— Дилшод Шавкатович, Президент Ислом Каримов ҳукуматнинг янги аъзолари билан бўлган кенгашда Олий ва ўрта махсус таълими, айниқса, касб-ҳунар коллежлари борасида ўринли танқидий мулоҳазаларни билдирди. Шу маънода вилоятимизда мавжуд коллежларнинг моддий-маънавий аҳволи қандай? «Таълим тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар қониқарлими?***

— Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан вилоятдаги мавжуд касб-ҳунар коллежларида «Таълим тўғрисида»ги қонун ижроси ўрганилди.

Аниқланишича, вилоятда 51.825 нафар талаба ва ўқувчилар таълим олаётган 59 та ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда 2 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ўқиётган талабаларнинг 43.855 нафари 9-, 7970 нафари 11-синф негизида таълим олмоқда.

Вилоятдаги коллежларнинг 10 тасининг биноси янги қуриб ишга туширилган, 39 тасининг биноси эса реконструкция қилинган, 12 таси эски биноларда жойлашган бўлиб, шуларнинг 3 тасига ҳозирги кунда янги бино қурилмоқда.

Уларнинг моддий-маънавий аҳволига баҳо берганда, айрим ишлар кишини қувонтирса, айримлари дилимизни ранжитади.

Қувончлиси шуки, ҳар бир туманда 5-6 та замонавий коллежлар бор. Ҳатто чекка қишлоқ ёшларининг касб-ҳунар ўрганиш учун олис вилоят ёки шаҳарларга қатнашига ҳожат йўқ. Коллежларимиз архитектура жиҳатидан хориждаги ҳеч бир илмгоҳ биноларидан қолишмайди. Бироқ айрим жойларда маҳаллий раҳбарларнинг эътиборсизлиги боис қурилишда шошма-шошарликка йўл қўйилган. Сўнгги пардоз ишлари сифатсиз, юзаки бажарилганлиги сабабли 2-3 йил ичида бинолар таъмирталаб бўлиб қолмоқда. Ишнинг бундай тус олиши давлат маблағини ҳавога совурилишига олиб келади.

Ўтган йили 10 та коллежнинг реконструкцияси, 1 та коллежнинг янгидан қурилиши учун 10,3 млрд 161 минг сўм маблағ сарфланган.

Вилоят прокуратураси томонидан вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси ва «Темирбетонтаъминот» шўъба корхоналарида бюджет маблағларининг сарфланишига оид қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда, қўпол қонунбузилишлар аниқланди.

Жумладан, ушбу бош буюртмачи корхоналар раҳбарлари томонидан асоссиз равишда оширилган қурилиш қиймати ҳисобига юзага келган давлат маблағларини ўзлаштириш мақсадида бош пудратчи билан тузилган шартномадан ташқари, низомга хилоф равишда 2004 йил 6 феврал куни «Темирбетонтаъминот» шўъба корхонаси билан қурилиш объектида 735.000.000 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳақида шартнома тузилиб, шўъба корхонаси субпудратчига 685.000.000 сўм ўтказиб бериб, давлат ва бош пудратчи ҳисобланган Боғот 5-КМЖШК манфаатига жиддий зиён етказилган.

Ушбу ҳолат бўйича вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси ва «Темирбетонтаъминот» шўъба корхонаси раҳбарларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда судда кўрилмоқда.

***— Бугун қайси соҳа бўлсин, компютерлаштиришсиз тасаввур қилиш қийин. Айтингчи, вилоятимиздаги ўрта-махсус касб-ҳунар коллежларини компютерлаштириш қай даражада?***

— Вилоятдаги мавжуд 2 та академик лицей ва 59 та коллеж 1140 та компютер билан жиҳозланган. Шулардан 373 таси эски типдаги, қолганлари «Pentium-1», «Pentium-2», «Pentium-3», «Pentium-4» компютерларидир. Ачинарлиси шуки, жами компютерларнинг ичида 286 таси яроқсиз ҳолда. Вилоятимиздаги айрим коллежларда компьютер синфлари ташкил қилинмаган. Жумладан Урганч туман қурилиш коллежларининг ҳар бирига атиги 1 тагина, Хива туман Гиламчи касб-ҳунар коллежига 3 та, Хива туман Тозабоғ касб-ҳунар коллежига 4 тагина компютер ажратилган холос.

Мутасадди ташкилотлар ёхуд вилоят ўрта-махсус таълим бошқармаси мутасаддилари компютерларни коллежларга талабалар нуфузидан келиб чиқиб тақсимлашга эътибор қаратсалар айни муддао бўлар эди. Чунончи, яроқсиз ҳолга келган компютерларни таъмирлаб тузатиш ёки алмашлаб олиш масалалари борасида ҳам тегишли мутасаддилар жиддий бош қотиришса ёмон бўлмасди. Негаки, Боғот туман иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидаги мавжуд 23 та компютернинг бирортаси ҳам ишламас экан.

***— Азалдан халқимиз илм даргоҳларини муқаддас санаб келган. Бироқ, кейинги пайтларда ўрта-махсус ва касб-ҳунар коллежларида масъул лавозимларда ишлаётган шахслар қонунбузилишларга йўл қўяётгани қулоққа чалинади. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?***

— 2004 ва 2005 йилларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларининг директорларидан уч нафари жиноят содир қилганлиги учун жиноий, 20 нафари интизомий жавобгарликка тортилиб, 10 нафари лавозимидан озод этилган.

Ажабланарлиси шуки, бундай нусхалар ҳануз ўз вазифасида ишлаб келмоқда. 2004 йилда Хива туман маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори Р.Собиров мансаб сохтакорлиги, Урганч туман «Чоткўпир» қурилиш касб-ҳунар коллежи директори Р.Яқубова ва Шовот туман қурилиш коллежи директори М.Юлдашевалар мансабга совуққонлик билан қараш жиноятини содир қилишган.

Прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишларда, айрим коллеж раҳбарлари ва моддий жавобгар шахслар томонидан бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳамда мансабини суиистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланиб, уларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган. Масалан, Боғот туманидаги 17-касб-ҳунар коллежи бош ҳисобчиси И.Машарипов ва ғазначи У. Содиқовлар тил бириктириб, қинғир ишларга қўл урганлигини олайлик. Улар 2001-2003 йилларда ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан 2.592.000 сўмлик солиқ ва бошқа тўловларни тўлашмаганлиги аниқланиб, жавобгарликка тортилган.

Албатта, бу каби салбий қусурларнинг келиб чиқишига вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан олиб борилаётган ишларнинг сустлиги, масъул ходимларнинг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаётганлиги сабаб бўлган.

***— Ҳадемай, мустақиллигимизга 14 йил тўлади. Қисқа муддатда вилоятда 59 та коллеж, 2 та академик лицей фаолият кўрсата бошлади. Аҳолиси 1.347.000 нафар бўлган воҳа учун шунча кўп ўқув маскани зарурмикан дегувчилар ҳам йўқ эмас. Сизнингча коллежлар аҳоли нуфузи ва вилоятнинг жўғрофик жойлашуви инобатга олинган ҳолда барпо этиляптими?***

— Таълим соҳасидаги ислоҳотлар бир-икки йил ичида мева берадиган тезкор омиллардан эмас. Мевали дарахт эксангиз, баъзан унинг ҳосилини 10-15 йиллаб кутиш мумкин. Ўқув тарбияси борасида чекилган заҳматлар натижаси энг кам деганда 25-30 йил ичида ҳосилини кўрсатиши мумкин. Нега деганда бу давр ичида бир ёш авлод камолга етади, улғаяди, зуваласи пишади. Иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган Япония инқироздан чиқиб олишнинг ягона йўли — таълим соҳасига эътибор қаратиш, ислоҳотларни амалга ошириш эканлигини англаб етганлиги тарихдан бизга маълум.

Дарҳақиқат, Япониянинг тутган йўли XX асрнинг 1970-75- йилларга келиб ўз мевасини берди. Бу давлат ўзининг ҳар соҳадаги билимдон кадрлари заҳмати туфайли техника, кибернетика, тиббиётда энг юқори чўққига кўтарилди. Япония жаҳондаги энг илғор мамлакатлардан бири сифатида ўз салобатини кўрсата олди...

Дарвоқе, бизнинг мамлакатимиз ер ости бойликларига танқис эмас. Заминимиз ҳосилдор. Япониянинг 40-йиллар охиридаги аҳволидан юз чандон аҳволимиз яхши. Ҳукуматимиз таълим соҳасини ислоҳ қилиш учун давлат бюджетининг сезиларли қисмини ажратмоқда. Бу илм-маърифатга, келажак эгалари бўлмиш интеллектуал ёшларни вояга етказишга қаратилган катта эътибордир.

Бугун кимларнинг назарида «кўп»дек туюлган коллежлар, ҳадемай ўз мевасини беради. Ўзбекистон интеллектуал фуқаролар Ватанига айланишига шубҳасиз ишонаман.

Японияда инқироздан чиқиб олиш учун, ҳатто аёллар тақинчоқларини сотиб мактаб қурилишига сарфланг, дея даъват қилишган. Бизда эса ҳаммасини давлат ўз зиммасига олган. Юртдошларимиз умид ва ишонч билан давлатимиз ташаббусини қўллаб-қувватламоғи керак. Ана шунда келажаги буюк давлат пойдевори тобора юксалаверади.

**Эрпўлат БАХТ,**
**«Huquq» мухбири**

HAMKORLIK

# Ватан остонадан бошланади

**АҚШ халқаро тараққиёт агентлигининг Урбан (шаҳар) институти (Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш) лойиҳаси асосида фаолият юритаётганига унча кўп бўлгани йўқ. Ўтган вақт давомида институт ходимларининг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб, ҳамкорлик қирраларини янада кенгайтириш истагини билдиришмоқда.**

**Ўтган йили Урбан институти томонидан республикамиз бўйича «Энг яхши уй-жой мулкдорлари ширкати» танлови ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Фарғона водийси вилоятларидан 26 та уй-жой ширкатлари уюшмалари иштирок этишган бўлса, уларнинг 11 тасини Наманган вилояти вакиллари ташкил этди. Шулардан еттитаси турли даражадаги ғолибликни қўлга киритиб, институтнинг 22.000 АҚШ доллари миқдоридаги гранти соҳиби бўлишди. Ҳар бири 5-6 минг АҚШ доллари миқдорида совринни қўлга киритган «Мингтерак», «Мулкдор», «Ҳамжиҳатлик — САМ» каби уй-жой мулкдорлари ширкатлари шулар жумласидандир.**

**— Вилоятимизда 850 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, шуларнинг 176 тасида уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди вилоят уй-жой ширкатлари ассоциацияси раиси А.Жабборов. — Бу уйларда яшаётган фуқароларнинг муаммоларини ҳамкорликда ҳал қилиш бизнинг бурчимиз. Илгари 20-30 та кўп қаватли уйлар битта ширкатга аъзо бўлган бўлишса, эндиликда ҳар бир уйда яшовчи фуқаро бизга аъзо бўлиши мумкин. Бунинг афзалликлари кўп. Жумладан, бошқарув такомиллашади. Назорат доираси қисқариб, самарадорлик ортади. Битта уйда яшаётган фуқаролар 20 та уйда яшаётган фуқароларга нисбатан тезроқ уюшиб, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилади. Тушадиган барча тўловни ўзлари назорат қилишади. Ортиқча харажатларга йўл қўйилмайди. Биз эса уларнинг истак-хоҳишларини амалга оширишда, уй-жойларини сақлаш, таъмирлаш ва бошқа ишларда уларга яқиндан кўмак берамиз.**

**Биз Абдуғаффор акадан уй-жой мулкдорлари ширкатларини шакллантириш, уларга ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан кўмак бериш борасида эришилган ютуқлар ҳақида сўраганимизда, у «АҚШ маҳаллий бошқарувни ривожлантириш» лойиҳаси асосида ишлаймизми, ўзимиз мустақил фаолият юритамизми, биз ҳамиша Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой кодекси», «Давлат уй-жой сиёсати асослари тўғрисида», «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунлар ва хукуматимизнинг бу борадаги қарорларини дастуриламал қилиб оламиз, ютуқларимиз омили ҳам мана шунда», дея жавоб берди.**

**Ҳақиқатан ҳам, қонун устувор бўлган жойда муваффақиятлар салмоғи ортиб бораверади. Зеро, қонунларимизнинг ҳақчиллиги, адолатпарварлиги ҳам мана шунда.**

**Абдуҳошим МАДАТОВ,**
**«Huquq» мухбири**



*Суратда: Наманган шаҳар прокуратураси ходимлари вилоят уй-жой мулкдорлари ширкати ассоциацияси аъзолари билан суҳбатлашмоқда*

ICHKILIKBOZLIK-ILLAT

# Эллик йилда ақл кирмаган...

**Одатда одамлар ёши улғайгани сари ақлан етилиб, ҳаёт тажрибаси ортиб бораверади. Йиллар ўтгани сайин хатога йўл қўймасликка интилиб сўзию амалини ақл тарозисида тортиб кўрадиган, мулоҳазакор бўлиб қолишади. Одамнинг ёши бир жойга борганда ёшлигини қўмсаши табиий. Аммо ҳар нарсанинг ўз ўрни ва вақти бўлганидек, бу қўмсаш баъзида панд бериши ҳам мумкин экан. Юрий Юрков деган ҳамшаҳримиз ҳам роппа-роса элликка кириб қалтис жиноят содир этди. Аслида бу жиноятга ҳам одатдагидай ичкилик сабаб, тўғрироғи баҳона бўлди.**

**Эрталабдан бир шиша винони бўшатган Юрийнинг кун ярмига бориб боши ёрилай деди. Бунинг даъвоси тайин: яна юз грамм...**

**Ичкилик дегани дўконда тиқилиб ётибди. Лекин биров текинга бермайди. Шишадош улфатлардан ҳам дарак йўқ. Чўнтак эса бўм-бўш. Ишнинг тайини бўлмагач, пулнинг ҳам тайини йўқлиги табиий. Нима қилиш керак? Юрий ўйлаб ўтирмай онасиникига қараб жўнади. Зора онаси пенсия пулидан «бир шишалик» ажратиб қўйган бўлса.**

**Онасининг уйига етиб келган Юрийнинг ҳафсаласи пир бўлди. У уйда йўқ, қаёққадир кетган, ўгай отаси эса нарвон қўйиб олиб ишкомдан узум териш билан овора. Ундан пул сўраш бефойда. Онасининг қайтишини кутишга тоқат керак. Юрийнинг кўзига шу пайтда ўгай отаси ҳар доимгидан ҳам хунук кўринди. «Саксонга кирсаям бу чол қаримайди. Ғайратидан юзга кирадиган шашти бор, ўйлади у. Чиқмаган жондан умид, бир авраб кўрай, зора пул чиқса.**

**— Ҳосил зўр-ку, бобой. Шунинг ўрнига винобоп узум бўлгандами.**

**— Сенинг дардинг вино бўлиб қолган ўзи. Нимага келувдинг?— Нарвонда туриб пасга қаради қария.**

**— Онамнинг уйигаям келолмайманми энди? Бир кўриб кетай деб кирувдим.**

**— Гапни айлантирма, эрталабдан отиб олганингни башаранг айтиб турибди. Пулга келган бўлсанг айтиб қўяй, сенга берадиган пулим йўқ!**

**— Бунақа курумсоқ бўлманг, бобой, ўгай бўлсаям ҳар қалай отамсиз. Йиққанингизни ўзингиз билан уёққа олиб кетмассиз ҳарқалай! Яримтаға қарашворсангиз давлатингиз камайиб қолмас. Бир кун қайтарарман.**

**— Пул олиб қачон қайтаргансанки, энди қайтарсанг. Ундан кўра сенам одамларга ўхшаб ишла.**

**— Насиҳат эшитадиган ёшдан ўтганман, бошоғриққа озгина бериб турмасангиз бўлмайди. Аҳволимни кўриб турибсиз-ку.**

**— Бекорга овора бўлаяпсан. Бошоғриғингга дорини бошқа жойдан қидир, — ўгай ота шундай деб яна узум теришда давом этди.**

**Юрийга гапи ерда қолгани алам қилди. Тепага, нарвон устидаги қарияга қараб бироз турди. Сўнг дағдағага ўтди:**

**— Айтиб қўяй, шу сафар ҳам пул бермасангиз, кечирмайман.**

**— Ихтиёринг.**

**— Шунақами, энди мендан яхшилик кутма, бобой!**

**— Дўқ қилаяпсанми? Қўлингдан нима келарди.**

**Юрийнинг қони қайнади. Мана бўлмаса, деб нарвоннинг оёғига тепиб юборди. Нарвон қулади. Унга қўшилиб қария ҳам йиқилди.**

**Боши билан бетон йўлакка урилди. Қайтиб турмади.**

**Нима иш қилиб қўйганини тушунган Юрий девор ошиб қочиб қолди. Ақлини йиғиб, яна онасининг уйига қайтиб борганига қадар анча вақт ўтди. Бу вақт ичида бошидан қаттиқ жароҳатланган қарияни «тез ёрдам» олиб кетган ва у ҳушига келмай шифохонада вафот этган эди.**

**Суд ўгай отасининг қотили Юрий Юрковнинг қилмишига яраша жазо белгилади. Эллик йилда кирмаган ақл эҳтимол энди кирар...**

**А. МАМАЖОНОВ,**
**Мирзо Улуғбек туман прокуратураси терговчиси**

SUD OCHERKI

# Етти йиллик сир



1997 йил 5 апрел. Тунги соат иккилар чамаси. Телевизордаги кинони эндигина кўриб бўлган Шоира ухлаш учун ётоқхонага ўтиб, чироқни ёқди. Гилам устига узун қилиб солинган ўринда бир ёшли боласини қучоқлаганча синглиси Мавлуда, унинг ёнида тўрт яшар жияни Бобур ва ўзининг ўғли Шамсиддин ширин уйқуда ётарди. «Боласи яна кўнмабди-да, олдига олиб олибди» дея синглисининг ёнидаги бўш бешикка қараб хаёлидан ўтказди. Кейин чироқни ўчириб, ўғлининг ёнига ётди. Орадан кўп вақт ўтмади. Кўзи уйқуга эндигина илинган Шоира темир эшикнинг қарсиллаганидан чўчиб кетди. Нима бўлаётганини англаб улгурмасидан хонага иккита шарпа бостириб кирди. Улардан бири кела солиб Шоиранинг оғзини беркитди.

— Овозингни чиқарма, бўлмаса ўласан!

У шундай деб қўлидаги пичоқни Шоиранинг бўйнига тиради. У эса совуқ нарсанинг пичоқ эканлигини билгач, жонҳолатда додлаб юборди. Шовқин-сурондан болалар ҳам аллақачон уйғонишган, нима бўлаётганини билмай йиғлашар эди.

— Бақирма дедим сенга, — Шоиранинг оғзини қўли билан беркитиб тургани огоҳлантирган бўлди. — Пул, долларлар қаерда? Уларни чиқариб берсанг сенга ҳам, болаларингга ҳам ҳеч нарса қилмаймиз.

— Менда пул ҳам, доллар ҳам йўқ, — Шоира илтижоли оҳангда ёнига кўз ташлади. Ғира-шира қоронғиликда синглисини ҳам босқинчилардан бири ушлаб турганини, ундан ҳам нималарнидир талаб қилаётганини англади.

Шу пайт кутилмаганда Мавлуда босқинчини итариб юбориб, эшик томон отилди. У бора солиб эшик ёнидаги тугмачани босиб чироқни ёқиб юборди. Уй бирдан чароғон бўлиб кетди. Аммо шу заҳоти уйни ларзага солиб, ўқ овози эшитилди. Шоира ўзига келиб атрофга разм солганида эшик олдида синглиси бир аҳволда ётар, нарироқда эса бошларига аёллар чулкисини кийиб олган бир босқинчи қўлида тўппончани ушлаганча қотиб турарди.

— Нима қилиб қўйдинг?

— Билмасдан... Шошиб қолдим...

— Бўлар иш бўлди. Тез бўл, пулларни изла.

Босқинчи шундай деб Шоирага ўгирилиб қаради:

— Болаларингни тинчлантир. Агар ғинг десанг кўзингнинг олдида болаларингни ҳам отиб ташлайман.

Босқинчи Шоирани қўйиб, ерда ётган Мавлуданинг олдига борди. Энгашиб унинг қўли ва қулоғидаги тилла тақинчоқларни ечиб олди. Бу вақтда босқинчилардан бири қўшни хонадаги шкафнинг тит-питини чиқарди, ҳатто қулфланган қутини ҳам бузиб унинг ичидаги нарсаларни ағдар-тўнтар қилди. Лекин излаган нарсасини тополмай жаҳл қилганча нарсаларни у ёқдан бу ёққа улоқтира бошлади.

— Топдингми?

— Падарига лаънат, ҳеч вақо йўқ.

— Бўлди, кетдик. Бор бўлса чиқарди.

Улар чиқиб кетишаркан, бузилган эшикнинг олдига борганда биттаси ёнидагига буюрди:

— Элдор, чироқни ўчир.

Бир зумда чироқ ҳам ўчди. Югурганча қочиб кетаётган босқинчиларнинг тапир-тупури подъезддан чиқиб кетгунларича эшитилиб турди. Уларнинг кетганига ишонч ҳосил қилган Шоира ўрнидан туриб, чироқни ёқди. Кейин бориб Мавлудани турғизмоқчи бўлди. Лекин у қимирламас, базўр инграрди. Шоира унинг белидан ушлаб кўтарди. Шу пайт Мавлуданинг бўйнидан сизиб чиқаётган қонни кўриб қолди. Кўнглига келган фикрдан қўрқиб кетиб синглисини қўйди-да, эшикка томон юрди. Ташқарига чиқиб додлаганча қўшниларни ёрдамга чақира бошлади.

Ярим кечаси бўлаётган бақир-чақирдан бир-икки киши хавотирланиб ташқарига чиқишди. Зудлик билан «тез ёрдам»га қўнғироқ қилиб, Мавлуданинг ҳаётини сақлаб қолишга уринишди. Афсуски, барча уриниш бесамар кетди. Ўқ Мавлуданинг бўйнига тегиб, уни оғир жароҳатлаганди.

Тонгга яқин Акмал Икромов туман прокуратурасидан, ИИБдан ходимлар етиб келишди. Жиноят иши қўзғатилди, тезлик билан босқинчиларни топиш чораларини кўришди. Лекин ҳаракатлар зое кетди. Босқинчиларни ниқобда кўрган Шоира ҳам тузукли маълумот беролмади. Фақат улардан бири чиқиб кетаётганда шеригига Элёрми, Элдорми деганини айта олди холос.

Жиноятчиларни топишнинг иложи бўлмаганлиги учун иш вақтинча ёпилди. Орадан етти йил ўтди.

* * *

2004 йилнинг бошлари эди. Тошкент шаҳрида наркотик моддалари савдоси билан шуғулланаётган Маъмур Мейлиев жиноят устида қўлга олинди. Унинг ёнидан сотиш учун тайёрланган героин далилий ашё сифатида олиниб, жиноят иши қўзғатилди. Мейлиевнинг аҳволи ҳавас қиларли даражада эмасди. Бундан олдин ҳам бир-икки марта қамалиб чиққан, устига-устак соғлиғига ҳам путур етиб, сил касаллигини орттириб олган эди. Тергов ниҳоясига етиб, ишни судга ошириш арафасида айбланувчи терговчига муҳим бир гапни айтиб қолди.

— Яна беш кунлик умрим қолдимийўқми... — Маъмур қўли билан оғзини беркитганча бир-икки марта чуқур йўталиб қўйди.

— Менга айтадиган биронта гапинг бормиди?

— Агар ёдингизда бўлса, бундан етти йил олдин шу яқиндаги бир уйда босқинчилик бўлиб ўтганди.

—Қайси босқинчиликни айтаяпсан?

— «Истироҳат» кўчасидаги бир аёлникида бўлган босқинчиликни айтаяпман. Ўшанда икки киши уйга ўғирликка кириб, бир аёлни ўлдиришган.

— Сен буни қаердан биласан? Ёки ўзинг...

— Ҳа, мен ўша ўғриларнинг бириман.

Терговчи буни кутмаганди. Айбланувчининг қилган жинояти учун ўзи иқрор бўлиши жуда кам кузатиладиган ҳолат эди. Яна ўша воқеалар бўлиб ўтганига етти йил бўлган бўлса. Кўпчиликнинг ёдидан ҳам кўтарилиб кетгандир. Терговчи Маъмурга тикилиб қолди. Хаёлида ўша воқеалар гавдалангандек бўлди.

— Шунча вақтдан буён ичингда сақлаб келган сирингни нега ҳозир айтаяпсан?

— Энди сақлаб нима қилдим? Шартим кетиб партим қолган бўлса, — Маъмур уҳ тортганча бошини ушлади. — Айтадиганимни айтдим. Буёғини энди янги терговда айтаман. Агар унгача.., — уни яна қаттиқ йўтал тутди.

— Сени нима мажбур этди? Бу жиноят яна жумбоқ бўлиб қолиши мумкин эди-ку?

— Ҳаётга келиб нима кўрдим? Жиноят қилиб қамалдим. Одамларнинг кўзига балодай кўринадиган бўлдим. Пешонамга бир умрга «қамалган» деган тамға ёпиштирилди. Бировга бир марта яхшилик қилганимни эслай олмайман. Буёғи камлик қилгандай қамоқда силга чалиндим. Балки бу касал шу вақтгача қилган гуноҳларим эвазига юборилгандир. Нима бўлганда ҳам касаллик мени енгди. Энди яхши бўлиб кетишимга кўзим етмайди.

— Сени касалхонага ўтказишади. Яхши бўлиб кетасан ҳали. Лекин қилган жиноятингни бўйнингга олиб тўғри қилибсан. Ҳозирча бориб дамингни олиб тур. Мен архивдан ўша ишни топаман. Эртага келиб ҳаммасини айтиб берасан.

Соқчи Маъмурни олиб кетди. Эртасига эса янгидан жиноят иши очилиб, етти йил олдинги босқинчиликдаги воқеалар қайтадан жонлантирилди. Маъмурнинг кўрсатмаси бўйича ўша пайтда унга шерик бўлган шахслар қидирилди.

Маълум бўлишича, ўша босқинчиликда беш киши иштирок этган экан. Кунлардан бир куни Тошкент шаҳридаги «Антиқа» ресторанида жиноий гуруҳ аъзолари йиғилиб қолишади. Гапдан гап чиқиб З.Раҳматуллаев дегани «бир фирмач аёл бор, жуда бой» деб қолади. Бу гап гуруҳни янги «ов»га чорлаганди. Тезда қурол ҳам топила қолади. З.Раҳматуллаев бир вақтлар Қозоғистондан олиб келган тўппончасини Элдор Йўлдошевга беради. Белгиланган куни гуруҳ аъзолари Э.Йўлдошев, Ф.Мирраҳимов, Ш.Азимжонов ва М.Мейлиевлар «ГАЗ-2410» машинасида манзилга етиб келишади. Келишувга кўра Ш.Азимжонов машинада қолади. Бу ҳар эҳтимолга қарши машина тайёр туриши учун эди. Қолганлар «фирмач аёл» М.Абдураҳмонованинг уйи томон кетишади. Подъезд олдига борганда Ф.Мирраҳимов ҳам қолдирилади. Режага кўра қолган иккови эшикни бузиб кириб, долларларни олиб чиқиши керак эди. Афсуски, бундай бўлмади. Улар бир аёлнинг умрига зомин бўлишди, икки норасидани она меҳридан мосуво қилишди.

Мазкур жиноят иши атрофлича кўрилиб, айбдорларнинг ҳаммаси аниқланди. Гуруҳнинг барча аъзолари қилмишига яраша жазосини олишди.

**Забихулло ЗИЯДУЛЛАЕВ,**
**Акмал Икромов туман прокуратураси терговчиси**

FEL`ETON O`RNIDA

# Туя кўрмаган раислар

**Тумандаги «Наврўз» ширкат хўжалиги раиси вазифаси бўшаб қолганлигини эшитган Музаффар Худоёровнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Ҳар куни Навбаҳор туман ҳокимлиги мутасадди раҳбарлари ёнига қатнаб, кўнглига яхши ниятлар туғганлигини, «қолоқ» хўжаликни «гуллатиб», халққа хизмат қилмоқчилигини қайта-қайта тушунтирди. Унга ишонч билдирилиб, амалга ўтиргач, ваъдаларни унутди.**

Хўжалик юкига елка тутиш, фуқароларнинг оғирини енгил қилиш ўрнига машинанинг орқа ўриндиғига ўтириб олиб, хўжалик ҳудудини кеза бошлади. М.Худоёровнинг нигоҳи бинойидек хизмат кўрсатиб келаётган учта дала шийпонига тушди-ю, ороми йўқолди. Бировга зиёни тегаётгандек, тезроқ уларни «тинчитиш» пайига тушди.

Раисни шийпонларни кимнинг ихтиёрига бериш эмас, балки қандай қилса, нақдидан кўпроқ тушиши қизиқтиради. Тез орада ана шундай оғзига маҳкам кишилар топилди ҳам. Шу зайл давлат кадастри томонидан 2.304.304 сўм қилиб белгиланган шийпоннинг биттасини ўз укаси С.Худоёровга 405.600 сўмга хатлаб берди. 2.974.323 сўмлик иккинчи шийпонни 431.200 сўм ва кейинги 3.221.280 сўмлик шийпонни 431.200 сўмга бериш учун ишончли шахсларга ҳужжат тайёрлатди. Ҳужжатлар хуфиёна тарзда, аниқроғи, ўтказилмаган йиғилиш ўтди қилиб, хўжалик тасарруфидан чиқарилишига изн берилди. Шундай қилиб, М.Худоёровнинг манфаатпарастлиги эвазига хўжаликка 7.221.907 сўмлик моддий зарар етказилди.

Раис бува ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2004 йилнинг апрелида биратўла хўжаликнинг 11 бош қорамолини бозорда нақд пулга соттириб, ҳазинага кирим қилмай «ҳазм» қилиб юборди. Бунинг устига уларни ярим нархида баҳолаб, 1.660 000 сўм ўрнига 841.400 сўмга сотганига нима дейсиз?

Раиснинг жиноий шериклари бўлган хўжалик ферма мудири Р.Жумаев ва қурилиш бригадири Б.Иброҳимовлар етказилган 818.600 сўм моддий зарардан ташқари, сотилган моллардан тушган 841.400 сўмни 641.400 сўмлик «Эмал ПФ» маркали бўёқларни харид қилишга сарфлашган. Бўёқлар гўёки туман ХТБга қарашли мактабларни таъмирлаш учун берилганмиш. Қурилиш ишларининг бажарилганлиги хусусида ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирилмаганлиги эса пулнинг айнан шу мақсадда сарфланганлигига шубҳа уйғотади.

Нафс балоси раисни бир кун эмас, бир куни тубсиз жарга қулатиши тайин эди. Кўп ўтмай бу лавозимга галдаги раис — Р.Наврўзов келди. У ҳам ҳали атрофдагилар билан танишиб улгурмай, ширага ёпишган пашшадек, жамоат мулкига кўз олайтира бошлади. Раиснинг истаги мойдек ёқиб тушган ферма мудири Р.Жумаев боқувдаги моллар ичидан буқани олиб, Пахтачи туман Султонобод қўрғонидаги молбозорга равона бўлди. Одатдагидек 260.000 сўмлик ҳўкизни 145.000 сўмга пуллаб, раиснинг ҳузурига қайтди. Талон-тарож изини йўқотиш мақсадида ўша куниёқ «Нигантин» дори препарати олиниб, молларга сарфланди дея сохта ҳужжатга жимжимадор имзо ҳам қўйишди.

Текин даромаддан хуши учган Р.Наврўзов ферма мудири билан қурилиш бригадири Б. Иброҳимовни чақириб, топшириқ берди. Эртаси куни беш бош қорамол мол бозорига олиб чиқилди. Жами 820.000 сўмлик моллар 470.000 сўмга хатланиб, ўртага ташланди. Изларни шамғалат қилишда яна раиснинг тажрибаси асқотди. Бўёқлар ва қурилиш ашёлари олинганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тузилди. Ҳаммаси яхши-ю, аммо молларнинг сони кескин камайиб кетаверди. Хўжаликнинг кўзи кўп эмасми, шубҳа гумонлар вақт соати етиб ўз ишини қилди. Оқибатда раис ишдан олиниб, ўрнига Д.Очилов келди.

Янги раис ҳам анойилардан эмас экан. У ҳисобот топшириш учун сарф-харажат кераклигини айтганди, ферма мудири Р.Жумаев қўлини кўксига қўйганича, эшикдан чиқди. Унинг «садоқати» туфайли яна бир бош мол сотилиб кетди.

Қўлқопдек алмашаётган раислар ва уларнинг бир имосига маҳтал турган жиноий шериклари кўпчиликнинг нонини туя қилишни қойилмақом уддалашиб, бирор марта хўжаликни қолоқлик ботқоғидан олиб чиқиш, эл олдида берган сўзини оқлашга ҳаракат қилишмади. Натижада хўжалик оқсоқликда қолаверди. Хусусан, 2004 йилги пахта мавсумида чигит экиш ишлари тўлақонли уддаланмади. Хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир юмушлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Пахтани шарбатли суғориш, вақтида культивациялаб, ерни бегона ўтлардан тозалаш номига олиб борилди. Оқибатда хўжалик давлатга 680 тонна пахта ўрнига 409,4 тонна топшириб, йиллик режани 60.2 фоизга уддалади.

Риёзатсиз топилган бойлик эмас, фақат меҳнатгина одамлар қалбига тириклик, мутаносиблик ва қаноат туйғусини олиб кира олади. Оқ туяни думи билан ютиб, кўрмадим дейиш билан ҳеч қачон нафс домини тўлдириб бўлмаслигини баъзи нопок кимсалар англаб олиши лозим.

**Хушнур МАҚСУДОВ,**
**Навоий вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**
**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ниqиq» мухбири**

DETEKTIV QISSA

# ЧАНДИҚЛИ ҚИЗ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

— Ҳозир ўзингиз айтдингиз-ку, мени соғиниб, ўйлаб ётган экансиз. Менам шуни сездим-да, келавердим. Узр, ҳазиллашдим. Бугун Жиззахдан сал кечроқ чиққандим. Аксига олиб йўлда машина бузилиб қолди. Ўзи ҳар гал холамникига борардим. Тошкентда яшашади. Уйига борсам иш пачава, улар Жиззахга кетишибди. Яхшиямки сизнинг адресингизни олган эканман, бўлмаса сарсон бўлардим. Ўйлаб-ўйлаб охири олдингизга келавердим. Хафа бўлмадингизми?

— Бу нима деганингиз? Ўзи адресингизни сўраб олмаганим учун минг пушаймон бўлиб юргандим. Ўшанда сиз ҳам айтақолмадингиз. Сизни қандай топаман деб бошим қотгани-чи!

— Шунақа денг, — Раъно ноз билан табассум қилди. — Унда бугун гуноҳимни ювар эканман-да. Кечирасиз, мендан хафа бўлманг, маълими?

— Йўқ, нега энди, ҳозир жуда хурсандман.

— Унда бир овқатланиб олсак. Тўғриси, йўлдан очқаб келганман.

Жамшид ирғиб ўрнидан турди.

— Ҳозир чой қўяман.

Ошхонага ўтиб, човгумни сувга тўлдириб, газ плитага қўйди. Талабалик ҳаёти эмасми, ётоқда ёлчитиб овқат қилишмасди. Жавонни титкилаб, иккита суви қочган обинон, бир тарелка майиз, ёнғоқ, яна бир тарелкада пишлоқ топди. Ҳозир енгилроқ тамадди қилиб олсак, сўнг бирорта ошхонага бориб овқатланиб келамиз-да деб хаёлидан ўтказди. Нон билан тарелкаларни олиб меҳмонхонага ўтар экан, оғзи очилиб қолди. Столга минерал сувлар, кунгурадор шишада ароқ, қовурилган бус-бутун товуқ, иккита юмшоқ нон, помидор, бодринг қўйилган эди.

— Ҳайрон бўлманг, — деди Раъно, — холамникига деб олувдим. Поччам шунақа ароқни яхши кўради. Сизга насиб қилган экан.

Жамшид қўлидаги нарсаларни қаерга қўйишни билмай бир зум сўррайиб турди-да, столга яқинлашди.

— Тарелкалар, товоқ борми? — сўради Раъно.

— Мен ҳозир, — деди Жамшид ошхонага қайтар экан.

— Идишларингиз қаерда ўзи, менинг ўзим тайёрлай қолай, — деди қиз унинг ортидан эргашиб. Жамшид нимадир демоқчи бўлиб туйқусдан тўхтаган эди, қиз унга урилди. Майин қўллари беихтиёр йигитнинг елкаларини силаб ўтди. Жамшиднинг вужуди жимирлаб кетди.

Раънонинг оёқ-қўли чаққонгина экан, ҳаял ўтмай помидор билан бодрингдан ажойиб газак тайёрлади, дастурхон тузатди.

Бир-бирларига рўбарў бўлиб ўтиришгач, Жамшид ҳартугул ташаббусни қўлига олиб, аввал бир литрлик идишдаги минерал сувнинг қопқоғини очди. Пиёлаларга қуйиб, биттасини қизга узатди. Ҳаяжондан юраги қуйиб кетган эканми, ўзи бир кўтаришда сувни ичди-да, яна қуйди. Сўнг жудаям ароқ ичкиси келаётганини, шу билан ҳаяжонини босмоқчи эканини ҳис қилиб, кунгурадор шишани қўлига олди. Бурама қопқоғини очиб, ундан ҳам пиёлаларга қуйди. Биттасини қизга тутди. Раъно шаробни қўлига олиб, унга мийиғида кулганча жон олгувчи кўзларини тикди.

— Хўш... Тўғриси, ҳаяжонланиб кетаяпман, — деди Жамшид. — Хуллас, танишганимиз учун, бугун мени эслаб келганингиз учун ичамиз, — у пиёласини қизнинг пиёласи билан тўқиштириб, ароқни қолдирмай ичди. Раъно ҳам пиёласини бўшатди. Кейин Жамшид товуқни бўлаклай бошлади. Иштаҳа билан овқатланишга тушдилар. Иккинчи марта ароқ қуйганида Раъно унинг қўлидан пиёлани олди-ю, лекин ичмади. Сал кейинроқ ичаман деди у.

Жамшид икки-уч пиёла ароқ ичгач анчагина кайф бўлиб қолди. Энди унинг ҳовлиқишлари босилиб, хотиржамлашган, қизга ҳам дадил-дадил гапириб, ошкора хушомад қилишга ўтганди. У пиёласига ароқ қуйди-да, қиз билан тўқиштириб ичди. Сўнг столни айланиб, қизнинг орқасига ўтди. Унинг елкасидан қучганча столдаги пиёлани олиб, қўлига тутқазди. Раъно пиёлани бўшатгач, энгашиб юзидан ўпди.

— Ваннага тушсам девдим, — деди қиз йигитнинг билагидан ушлаб, — ҳаво жуда иссиқ, йўлда терлаб келувдим.

— Бемалол...

Жамшид уни ваннахонага кузатиб қўяркан, қони кўпириб бағрига босганча лабларидан бўса олди.



У нималар бўлаётганига ақли бир етиб-бир етмай ваннахонадан эшитилаётган сувнинг шовуллашига қулоқ тутиб ўтирди.

Бир пайт йўлакдан қизнинг шарпаси эшитилди. Жамшид эшик томонга кўзларини тикди. Раъно хонага оҳиста кириб келди. Йигитнинг нафаси бўғзига тиқилиб қолаёзди. Ҳарир ички кўйлакда турган қиз бор вужудини кўз-кўз қилиб унга ҳарислик билан тикилганча турарди.

* * *

Жамшид кўзларини очганда кун ёйилиб, хона чароғон бўлиб кетганди. Ёстиқни кучоқлаганча бир муддат эриниб ётди. Сўнг секин қаддини ростлаб, каравотдан оёқларини осилтириб ўтирди. Одати бўйича энсасини қашир экан, Ҳамиднинг каравотига кўз ташлади. Кўрпа-тўшак тахланган, ёстиқ текисланган. Раъно қани деган савол хаёлидан ялт этиб ўтди.

Ўрнидан туриб ошхонага юрди. Ваннахона эшигини очиб қаради. Қиз йўқ эди. Каравотига бориб ўтирди. Беихтиёр кечаги воқеаларни эслади. Юраги орзиқиб, қизни яна қучиш, ғунчадек лабларидан бўса олиш истаги уни васвасага солди. Айниқса қизнинг гўзал, келишган қадди-қомати, нафис баданини тасаввур этаркан, томирларида оқаётган қон жунбушга келарди. Фақат елкасидаги ўша чандиқ унинг бекиёс ҳуснига андак соя солиб турарди.

Чандиқни эслар экан, Дониёр аканинг гаплари, Қурамат бобо фожеаси ҳам ёдига тушди. Раънонинг у ишларга алоқаси йўқдир-ов дея ўйлади.

Ювиниб бўлиб, аччиқ қилиб чой дамлади. Тунги ишратбозлик уни анча толиқтирган, ичилган ароқ таъсиридан боши ҳам оғриётганди.

Ўтириб кўнгли тилар-тиламас нонушта қила бошлади. Уй-хаёллари эса ҳамон Раъно билан банд эди. Тўғри, қиз дастлаб учратган пайтида тасаввур қилганидек бокира, беғубор бўлиб чиқмади. Хатто у Жамшиддан икки-уч ёш катта ҳам экан. Атиги бир кун илгари у тўғрисида афсонавий маликаларга менгзаб орзуларга берилган эди. Хаёлида у билан оқшомлар қўл ушлашиб сайр қилар, ширин суҳбатлар қурарди. Қолаверса қизни яна учратишини тасаввур ҳам қилолмасди. Қизнинг дадиллигидан, хатти-ҳаракатларидан анча-мунча эркакни кўрганлиги билиниб турарди.

«Қизиқ, нимага индамай, хайрлашмасдан кетди экан? Балки уйқумни бузгиси келмагандир». Жамшид турфа хаёллар оғушида нонуштақилиб бўлди-да, кийиниб институтга жўнади. Бекатда керакли автобусни кутар экан, чорраҳадан бурилиб, шундоқ олдидан ўтиб кетаётган тўқ зангори «Жигули» машинасининг орқа ўриндиғида ўтирган Раънога кўзи тушди. Машинани бошқариб бораётган жингалак соч, тақамўйлаб қўйган одам унга дам-бадам ўгирилганча нималардир уқтириб кетарди. Жамшиднинг юраги бирдан ғашланиб кетди. У тобора узоқлашаётган машина ортидан қараб қоларкан, Дониёр аканинг гапларини эслаганди.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтди. Жамшид зарур иш билан уйга кетиб, қошқорайиб қолган маҳалда қайтиб келди. Автовокзалдан уйга келгунча қоронғи ҳам тушиб қолди.

У тутқични тортар экан, эшикнинг қулфлигини кўриб, «оббо, бу бола ҳеч уйда ўтирмади-да» дея ғудраниб, чўнтагидаги калит билан эшикни очиб ичкарига кирди. Шу пайт ётоқ томондан эшитилган овоз уни хушёр торттирди.

Ҳамиднинг каравоти ётоқ эшиги рўпарасидаги деворга тақаб қўйилган бўлиб, унда ўтирган аёлнинг ялангоч елкалари кўриниб турарди. Шу пайт Ҳамиднинг нимадир дегани эшитилди. Иккаласи кулишди. Раъно-ку деди Жамшид хаёлан.

У бир неча сония қотиб турди-да, секин ташқарига йўл олди. Эшикни қайта қулфлади. Кўчага чиқди-да, боши оққан томонга кета бошлади. Осмонда юлдузлар кўпайиб, тўрт-беш кунлик ой шуъла сочиб турарди. Ҳаво дим. Кўча кечки салқинни соғиниб сайрга чиққанлар билан гавжум. Орасира сирли шивирлашган ошиқ-маъшуқлар учраб қолади. Жамшид уларни кўрганда кўнглида мавҳум, аллақандай оғриқли туйғуни ҳис этар, қулоғи остида Раънонинг кулгуси эшитилгандек бўларди.

Тентираб-тентираб истироҳат боғига кириб қолди. Хилват бир жойдаги тахта ўриндиқни топди. Икки соатдан мўлроқ хаёл суриб ўтирди. Ниҳоят ўзида бир журъат сезиб, ётоғига қайтди. Хозир бориб Раънога нима дейишини билмасди.

У эшикни секинлик билан очди. Ётоқда энди тинчлик ҳукм сурар, чироқлар ўчирилгани учун хона зим-зиё эди. Наҳотки иккаласи ҳам ухлаб қолган бўлса деди ичида. Кейин нима бўлса бўлар деб йўлак чироғини ёқди. Ҳар нечук ётоққа киришга ботинолмай ошхонага кирди. Уерда эса идиш-товоқлар тартибсиз аҳволда қалашиб ётарди. Нима учундир юраги яна ғашлана бошлади. Кўнгли аллақандай фалокатни сезгандек кескин бурилди-да, ётоқхона томон юрди. Шаҳд билан кириб, чироқни ёқди.

Стол устида чала йиғилган дастурхон, товоқда гўшт бўлаклари, бўшаган ароқ шишаси, пиёлалар сочилиб ётарди. Кўрпа-тўшаклар ҳам ғижимланиб ташланган, жавондаги бир қанча китоб-журналлар ерга тушириб юборилганди. Лекин хонада на Ҳамид, на Раъно бор эди.

Бориб деразани очди. Чекилган сигарет, ароқ ва яна алланарсаларнинг ҳидлари аралашиб, хона ҳавоси бадбўйлашиб кетганди. Аввал Ҳамидни сўкди, кейин хонани йиғиштиришга киришди. Ҳамма ёқни тартибга келтиргунича ярим соатча вақт ўтди.

У ечиниб, ўрнига ётар экан, яна Раънони эслади. Аммо кун бўйи йўл юргани, қолаверса оқшоми икки соатлик мажбурий сайр уни ҳолдан тойдирганди. Ҳаял ўтмай ухлаб қолди.

Тонг-саҳарда эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетди. Чиқса, қўшни хотин.

— Ҳозир касалхонадан қўнғироқ қилишди. Ҳамид ўртоғингиз касалхонага тушибди. Сизни сўраётган эмиш.

Жамшид касалхона манзилини сўраб олди-да, шоша-пиша кийиниб, йўлга чиқди.

Боши бинт билан боғланган Ҳамид уни кўриб қувониб кетди.

— Келдингми, Жамшид?..

— Ҳа, тинчликми?

— Эй сўрама, жўра, бир ўлимдан қолдим.

— Нима бўлди ўзи? Тушунтириб гапир.

— Кеча кечқурун Раъно деган биттаси сени сўраб келганди.

— Хўш?

— Хуллас, ҳалигидақа экан.

— Биламан. Ётоқни ҳам боплаб остин-устун қилибсизлар.

— Ҳа, маст бўлиб қолибман. У ким ўзи?

— Мен ҳам автобусда Тошкентга келаётганда танишиб қолувдим. Бунгаям бир ойдан ошиб кетди, — деди Жамшид чуқур хўрсиниб ва Раъно билан боғлиқ воқеаларни, Қурамат бова фожеасини сўзлаб берди.

— Хўш, кеча нима бўлди ўзи?

— Ҳозир ҳаммасини айтиб бераман, — деди Ҳамид ёстиғини тўғрилаб, қаддини ростлаб ўтирар экан. — Кеча кечки пайт соат олти бўлиб қолганди. Кимдир эшикни тақиллатди. Чиқсам бир қиз турибди. Сени сўради. Сенинг уйга кетганлигингни, ҳализамон келиб қолишинг мумкинлигини айтдим. Хоҳласангиз кириб кутиб ўтиришингиз мумкин дедим. У таклифимга рози бўлди. Ичкарига кириб ўтирди. Танишдик. Аста-секин суҳбатимиз қизиди. Ўзинг биласан, индинга туғилган куним, кеча у-бу нарсаларни олиб қўйгандим. Гўшт қовурдим, ароқ очдим. Ичдик. Ўзиям кетворган экан, ўзимни тутиб туролмадим. У ҳам тегинсам индамади...

* * *

— Ҳамиджон, бу деймман, дўстингиз ҳаяллади-ёв, — деди Раъно ваннахонадан қайтиб келиб, кийимларини кияр экан.

— Кетаяпсизми? — деди Ҳамид ҳалигина қизнинг қучоғидан бўшаган бўлса-да, унга ҳирс билан тикилар экан. — Бугун шу ерда қолаверинг-да.

— Дўстингиз келиб қолса, икковимизни бу аҳволда кўриб нима дейди?..

— Келмайди. Келса шу пайтгача келарди. Эртага келса керак. Бир ҳисобда келмагани ҳам яхши бўлди. Халақит берарди.

— Тўғри. Аммо-лекин дадил экансиз, ўлиб қолай дедим-а. Қийнавордингиз-ку.

— Ҳаммасига айбдор ўзингиз. Шунақаям чиройли бўласизми? — деди Ҳамид ўрнидан туриб ва уни белидан қучиб, яна каравотга торта бошлади.

— Ҳамиджон, бир минутга шошманг, — деди Раъно нозланиб қаршилик кўрсатар экан. — Мен бир жойга бориб келишим керак. Бир-икки соатда қайтаман.

— Шу пайти-я?..

— Ҳа. Бир дугонамга айтадиган зарур гапим бор. Эртага борсам кеч бўлади.

Ҳамид ўйланиб қолди. Қизни ҳеч қўйиб юборгиси келмаётганди.

— Машинамда олиб бориб келсам, нима дейсиз?

— Йўғ-э, сизни овора қилиб нима қиламан.

— Сиздан ҳеч ажралгим келмаяпти.

— Унда кетдик, — деди Раъно ишва билан.

Ҳамиднинг «Тико»сига ўтириб, йўлга тушишди. Ичилган ароқ таъсиридан хушёрликни йўқотган Ҳамид қаёққа кетаётганликларини ҳам унча идрок қилолмас, фақат Раънонинг йўл кўрсатиши бўйича машинани бошқариб борарди. Ниҳоят шаҳар четидаги кимсасиз бир ерга етдилар.

— Мен ҳозир келаман, — деди Раъно икки юз қадамча наридаги кўпқаватли уйни кўрсатиб. — Дугонам шу уйда туради.

У торгина йўлакдан бориб қоронғиликка сингиб кетди. Ҳамид атрофга бир қур назар ташлади. Теварак дарахтзор, чап томонда буталар чакалак бўлиб кетган. Унинг уйқуси келди, ўриндиқ суянчиғини орқага ёткизиб, пинакка кетди.

Машина эшиги шиддат билан очилиб, кучли бир қўл ёқасига чанг солганда у чўчиб уйғонди, аммо нима бўлаётганига дафъатан ақли етмади. Уни машинадан судраб чиқаришди. Бошига тушган мушт зарбидан кўз олди хиралашиб, боши айланди. Ёнини роса титкилашди.

— Эй қанжиқ, уч минг доллари бор дегандинг. Ҳеч қандай пули йўқ-ку?!

— Боягина ўзи айтганди. Дадасидан олган экан, компютер, яна алламбалолар сотиб оламан деб. Ётоғида қолгандир, — деди Раъно титроқ оҳангда. Унинг овози орқа томондан келарди.

— Ётоғида қолган бўлса, сен у ерга нима учун бординг? Номаъқулнинг ишини қилдингми? Қучоғида жилпанглайвермай, ичириб маст қилиб, пулни олиб келсанг ўлармидинг?!.

(Давоми кейинги сонда).

Гулнора ҲАМРОЕВА

FALSAFIY MUSHOHADA

«...Бугун Грегорио Каненинг жонига қасд қилган Игнасио Аргуманес кунда воситасида қатл этилади».

*«Мадрид кундалик газетаси» 18... йил 15 апрел.*



# МАҲКУМЛАР

**Мариано Хосе де ЛАРРА, испан ёзувчиси**

Жамият ҳам ўзини худди алоҳида бир шахс сингари ҳимоя қилишга мажбурдир. Бу ҳақиқат қонунбузилишни аниқлашни ва жиноят кодексларини белгилашни тақозо қилади. Шу йўл билан жамият шахсларнинг хатти-ҳаракатидаги жиноят аломатларини аниқлаш, уларга жазо бериш ҳуқуқига эга бўлади. Аммо жамият шахсларнинг у ёки бу ҳаракатлари натижасида қонун бузилганини ёки жиноят содир бўлганини аниқласа, бу билан ўзини ҳақоратлангандек ҳис қилиб, жазо беришга эмас, кўпроқ ўзини муҳофаза қилишга ҳаракат қилади. Хулоса шуки, жиноятчини эмас, жиноятни йўқотиш, қонунбузувчини эмас, қонунни бузиш имкониятини йўқотиш зарур. Жазолашдан мақсад адолатни қарор топтиришдангина иборат эмас, балки жамиятни такомиллаштиришдир. Жамият ўзини ҳимоя қилишга киришар экан, қандай ҳуқуқдан фойдаланади? Бу кучли томоннинг ҳуқуқидир. Жиноят қилганликда айбланаётган шахсни тутгач, жамият жазо белгиламасдан олдин далилларни обдон текшириб, шахснинг айбдорлигига ишонч ҳосил қилади ва айбдорнинг ўзини ҳам шунга ишонтиради. Шу тариқа жамият ишни гумондорни озодликдан маҳрум қилишдан, тўғрироғи, беаёв шафқатсизликдан бошлайди. Белгиланган муддат — бахтга қарши, жиноят содир қилган ҳар бир фуқаро тўлаши лозим бўлган жисмоний тўловдир. Жамият, аксинча, бу тўловни енгиллатиш, энг кам муддатгача қисқартириш ҳуқуқига эга. Илло, муддат тугагачгина ҳукм жазога айланади. Энг ачинарлиси, суд ёки ҳукмнинг натижаси бўлмаган жазонинг шубҳали ва қонундан ташқарилигидир. Айб эълон қилингандан кейинги ўтган вақт оралиғида жамият шахсни ушлаб туриш ҳуқуқига эмас, балки вазифасига эга бўлади. Кўринадики, жамият жисмоний тўловни ўзининг хусусий қарашларидан келиб чиқиб белгилайди. Демак, айнан унинг ўзи шу тарзда белгиланган ҳукмнинг, жиноятчи ёки жиноятчи эмаслигидан қатъи назар, айбдор учун жазо бўлмаслигини таъминлайди. Қамоқ маҳбусни ҳеч нарсадан чекламаслиги ва унга ҳеч қандай ситам ўтказмаслиги керак. У маҳкумнинг иқтидори ва салоҳиятига руҳий тажовуз қилмаслиги лозим. Худди шу ердан жамиятнинг, маҳкумларни яхши жиҳозланган қамоқ бўлмалари билан таъминлаш ва яхши назорат қилиш каби бурчи келиб чиқади. Жамиятнинг энг муқаддас бурчи маҳкумларни ҳатто шундай бежирим хоналарда ҳам кўпроқ тутиб турмасликдир. Ўқувчиларимиз орасида собиқ маҳбуслар бўлса, агар улар либерализмга салгина алоқадор бўлсалар, амин бўлсинларки, биз мансуб бўлган жамиятга бу ҳақиқат ва унинг аҳамияти маълумдир. Жамиятга бу ҳақиқат аёндир. Бизнинг қамоқхоналаримиз — намунали.

Бу воқеа мартнинг одатий кунларидан бирида бўлиб ўтганди. Маҳкумлар қамоқхона ҳовлисида тўп-тўп бўлиб хохолашар, кейин кучлилар кучсизларни сўкишар, беҳаё мазмундаги шўх ашулалардан айтишарди. Тўпланганларнинг диққатини ҳовлидаги бир гуруҳ қиморбозларнинг ўйини ўзига тортди. Ўта бешафқат, сирли оҳанрабога ўхшайдиган қарта ўйини ҳар ердагидан кўра қамоқда кўпроқ ўйналади. Бу ўйин маҳкумлар ҳаётига шу даражада таъсир кўрсатар эдики, уни улар тақдир ўйини деб аташар эди. Қарта ўйини гўё инсоннинг бу дунёга келганидан буён қидираётгани — ҳақиқатнинг мавҳумлигини, инсон уни бир умр бардош билан кутиши ва охир-оқибат у сароб бўлиб чиқишининг рамзидек эди.

Ўша кунларда қамоқхонада икки одам: Игнасио Аргуманес ва Грегорио Канелар ҳам бор эди. Одамлар ўзлари мансуб бўлган жамиятдагина яшай оладилар. Жамият уларни ўзидан улоқтириб ташласа, улар осонлик билан янги, мустаҳкам, лекин ёзилмаган қонунларни «кучсиз қўллар» воситасида ўз қўллари билан яратишади. Қамоқхонада ҳам шундай бўлади. Бундай қилишга уларнинг тўлиқ ҳуқуқи бор. Жамият ўзи ҳимоя қилиши керак бўлган аъзоларини барча имтиёзлардан маҳрум қиларкан, шу дақиқадан бошлаб уларни деспот-назоратчи ихтиёрига топширади. Маҳкум ҳибсга олиниб, қамоқхона бўсағасидан ҳатлаган ҳамон ўзини ҳақоратлангандек, хўрлангандек ҳис қилади. Унинг овози ҳам, фарёди ҳам, шикояти ҳам қамоқхона деворларидан ташқарига чиқмайди. Худди шу дақиқада маҳкум нидо қилади: «Мендан жамият юз ўгирди, шу бугундан бошлаб мен учун қонун — менинг ўз кучим ёки бу ерда кўрсатадиган кучимдир».

Қамоқнинг қонундан ташқари тадрижи шундай бўлади. Ўзи ҳимоя қилиши лозим бўлиб, ундан воз кечган жамият маҳкумдан нимадир талаб қилишга ҳақлими? Рад қилинган маҳбус қамоқда жиноят содир қилса, қайси ҳуқуқига кўра жамият уни ҳукм қилади?!

Икки одам ўша ерда эди, икки маҳкум. Ўзларини ўзгалар устидан қонун чиқаришга ҳақли деб ҳисобловчи ва улардан қарта ўйинидан тушган пулларни тортиб олувчи икки маҳкум... Солиқ олувчи икки маҳкум. Бир куни улар ўртасида келишмовчилик пайдо бўлади ва улардан бири бир кишилик камерага ташланади. Жазоланган маҳкум бир кишилик камерадан чиққач, нариги маҳкум у йўқлигида унинг улушини ҳам ўзлаштирганини билиб, ундан ўз улушини сўради. Бир маҳкум иккинчи бир маҳкумни даромаддан маҳрум қилмоқчи бўлди. Нариги маҳкум чўнтагидан иккита пичоқ чиқариб шундай деди: «Ўз улушингни олмоқчимисан? Майли! Уриниб кўр!».

Мана у — жамиятдан ташқари одам. Ўз ҳуқуқини ўз қўллари билан ҳимоя қилувчи одам. Кун охирлаб борарди, маҳкумлар қўшни ҳовлига — эркинликда жуда жарангдор, у ерда эса ҳамиша масхара қилиб куйланадиган илоҳий малак мадҳияси товуши келиб турган ҳовлига ўтишди. Мадҳия садолари остида икки одам ўз ҳуқуқлари учун қонуний жангга киришдилар. Уларнинг гавдалари ҳаёт-мамот курашлари остида бирлашиб кетди. Уларнинг бировига мадҳияни охиригача эшитиш насиб этмади: бир неча сония ўтгач, мадҳиянинг охирида авж парда якунлангач, бир маҳкумнинг руҳи самовотга йўл олди.

Шу пайт саҳнада жамият пайдо бўлди ва тирик қолган маҳкумга шундай деди:

— Мен сени ўз мулкимдан ҳайдайман, ҳукмронлигингдан маҳрум қиламан. Сени ўзим ташлаган лаънати қамоқхона билан жазолайман. Шу пайтгача мен сенинг ўйинларингга чидаб келдим, чунки улар ҳаловатимни бузолмас эди. Лекин ўйинларинг мен ҳал қилолмайдиган ва ҳал қилишни ҳам хоҳламайдиган баҳсни келтириб чиқарди. Мен сен ерга қулатган кимсанинг гавдаси товушидан уйғониб кетдим. Бу мурда тирик пайтидаям, ҳозир ҳам худди сендек мен учун бир тийинга қиммат. Худо кўрсатмасин, иллати бировга юқиши мумкин, шунинг учун уни ёқишларини буюрдим. Сен эса одам ўлдириб, менинг қонун доирамга дахл қилдинг. Менинг қонунларим ўзи ҳимоя қилмайдиган одамларни ҳам жазолайди. Улар ҳимоя қилишдан бош тортади, жазолашдан эса — йўқ. Уларда нимаки яхши нарса бўлса, бари мен учун, нимаки ёмон нарса бўлса, бари сеникидир. Чунки мен сенга қарши судяларга эгаман, сен эса менга қарши судяларга эга эмассан. Мен сенга қарши полициячиларга эгаман, сенда эса менга қарши полициячилар йўқ, шунинг учун мен сени қилган қотиллигинг учун жазолайман. Айнан мен сени ҳимоя ва назорат қилолмаганлигим оқибатида бу воқеа юз берган бўлса-да, сен мени жазолай олмайсан.

Маҳкум:

— Сенинг нима ишинг бор, жамият, нима ҳаққинг бор? Ҳаётим ўзимга тегишлими-йўқми, билмайман: бировлар айтдики, менинг ҳаётим ўзимга тегишли эмас, динга кўра мен ундан фойдалана олмас эканман. Лекин ҳаётим ўзимники эмас экан, унда нега сенга тегишли бўлиши керак экан? Агар у сенга қараганда ўзимга кўпроқ тегишли бўлса, уни топтасалар қандай чидаб бўлади? Жамият, ўзга одам ўз ҳаётини ҳимоя қилса, иккала томон ҳам рози бўлса, учинчи томонга зарари тегмаса, бизнинг шахсий ишимизга аралашишга нима ҳаққинг бор?

**Жамият:**

— Маҳкум, сен бир кун келиб ҳақ бўлишинг мумкин. Ҳозир эса мен сенинг устингдан ҳукм юритаман. Қотиллик ва турли можаролар менинг ҳуқуқий доирамдан чиққачгина сен ҳақ бўласан. Ҳозир сен мансуб бўлган жамият амалдаги қонунлар асосида иш кўради. Нима учун сен қонун рухсат берадиган дуэл имкониятидан фойдаланмадинг? Энди эса жонингдан умидингни узавер, буни қонун ҳам маъқуллайди. Қонун ҳимоя қила олмаган, ўз шаъни учун курашиб қотиллик содир этган бошқа бир одамни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдирганимдан буён ой ҳали бир давра айланиб бўлгани йўқ.

**Маҳкум:**

— Жамият, худди мендек хатога йўл қўйган, ҳозир Прадода сайр қилиб юрган одамларга қанча-қанча ойлар кулиб боқаяпти.

**Жамият:**

— Бу шуни билдирадики, сен қонунни ўзгартириш имкониятига эга бўлмай ўз ҳуқуқинг учун курашар экансан, тан жароҳатларига йўл қўймаслигинг лозим эди. Ёки менинг қонунларимни четлаб ўтиш учун учига чиққан туллак ёки ниҳоятда пулдор бўлишинг керак эди.

**Маҳкум:**

— Жамият, унда қонун олдидаги тенглик нима бўлади?

**Жамият:**

— Эй оми одам, билиб қўй, сен ва сенга ўхшаганлар уни қўлга киритсалар ёки мен адолатли жамият бўлсам-у, менинг таркибимга халқ оммаси кириб олсагина, қонун олдида тенглик устувор бўлади. Мени баъзилар жамият-организм деб аташади. Аслида мен зарарли организмман: ахир сен менинг таркибимдаги халқнинг озлигини кўрмаяпсанми? Мен халқ билан бирга эмас, балки унга қарама-қарши одимлаётганимни кўрмаяпсанми? Мен жамият эмас, балки унинг кўланкаси эканлигимни наҳотки кўрмаётган бўлсанг?

Нимага нолийсан, эй халқ? Ахир сен ўз ҳуқуқингни талаб қилмаслигинг билан ундан воз кечмаяпсанми? Ахир барча кўргуликларни бошдан кечириб, бардош бераётган сен эмасми?

**Маҳкум:**

— Буларнинг барчаси мен сенинг узвий бир қисминг эканлигимни билмаслигим оқибати, эҳ билмаслигим...

**Жамият:**

— Ким эканлигингни, қўлингдан нима келишини билишга ва англашга тезроқ ҳаракат қил. Ҳозир эса — халқ бўлганлигинг учун энг асосийси: ҳеч нарса билмаслигинг учун — кундага бош қўясан.

**Маҳкум:**

— Эй, ўлгончи жамият, билиб қўй, менинг куним албатта келади. У сенинг айбинг туфайли муддатидан олдин келади. Чунки мен ўлгач лошим китобга айланади. Менинг дўстларим эса китобга қараб ҳеч нимани тушунмаса ҳам ўқишни ўрганишади. Ҳозир эса ўз кучингни ва эркингни ишга сол: ўз ҳуқуқи учун курашаётган маҳкумларни дорга ос. Ҳар ким ўз экканини ўрганидек, сен ҳам ўз экканингни ўзинг ўрасан, шошил!

Маҳкум қатл қилиниши керак эди. Қонун маҳкумлар учун аниқ ва лўнда ёзилган: Ўз ҳуқуқи учун курашар экан, маҳкумлардан қайси бири қонунни бузса, жазога мустаҳиқдир. Маҳкум одам ўлдирди, шунинг учун унинг ўзи ҳам ўлиши шарт эди.

Маҳкумни қатл қилишди, қонун ғалаба қозонди. Лекин халқ кўрмади — у ҳали кўришни ўрганмаганди. Халқ ҳали тушунмайди — у ҳали тушунишни ўрганмаган. Ҳали уларнинг куни келишига эрта. Халқ жамиятнинг адолатли ҳукмини эҳтиромли сукут ила олқишлади. Жамият ҳам қолди, курашлар ҳам қолди, қонун ҳам ўз кучида қолди. Маҳкумлар эса қонунни аввалгидек бузишда давом этишади.

Энди улар қамоқдаги маҳкумлар ҳам, халқ орасидаги маҳкумлар ҳам эмас эди. Улар халқнинг ҳаққини халққа олиб берувчи маҳкумларга айланадилар.

**Рус тилидан**

**Анвар МАТНИЁЗОВ таржимаси**

KASBINI ULUG`LAGANLAR

# Одамлар ҳақиқатга ишониб яшайдилар

***ДЕЙДИ НУКУС ШАҲАР ПРОКУРОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, «МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ» НИШОНИ СОҲИБАСИ ВЕНЕРА ЕРНИЯЗОВА***



Венерани 1999 йилдан, аниқроғи «Huquq» газетасининг Қорақалпоғистон бўйича махсус мухбири бўлиб ишга ўтган кунимдан буён яхши танийман. Янглишмасам, ўшанда март ойи эди. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Ҳакимбой Ҳалимов халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан прокуратурада ишловчи аёлларни самимий табриклар экан, ёш ходим Венера Ерниязованинг хизматларини алоҳида таъкидлаб:

— Тиришқоқ, принципиал, шу билан бирга камтар қиз. Иш бошлаганига кўп бўлмаган бўлса-да, эркаклар билан бир сафда туриб, аёлларимиз нималарга қодир эканлигини кўрсатяпти, — деган эди.

Яширишнинг кераги йўқ, биз журналистлар ана шундай кишилар ҳақида ёзишга ўчмиз. Дарров илиб оламиз. Камина ҳам прокурор ҳузуридан чиқар эканман, Венеранинг олдига шошилдим. Уни топиб, иш ва ҳаёт йўли ҳақида гапириб беришни илтимос қилар эканман, Венеранинг жавоби қисқагина бўлди:

— Кечирасиз, мен ҳали ёшман. Газетага чиққудек иш ҳам қилганим йўқ. Агар ёзмоқчи бўлсангиз, тажрибали, эл-юртга меҳнати сингган устозларим Гавҳар Бобожонова билан Гулора Бобожоновалар бор-ку.

Начора, шундай қилдик. Умр — оқар дарё деганларидек, ҳаш-паш дегунча 5-6 йил ҳам ўтиб кетибди. Яқинда Венера билан учрашиб қолдик. У эса ҳали ҳам ўша фикрда экан. Университетда ўқиб юрган кезларимиз устозларимиздан бири ҳақиқий журналист ҳар қандай кишидан интервью олишни билиши керак дер эди. Бу гал фикримда қатъий турдим. Венера «Фақат бир шарт билан, мақтовни ошириб юбормайсиз» дея саволларимга жавоб беришга рози бўлди.

***— Биринчи саволни ишингиздан бошламоқчи эдим. Қийин эмасми?***

— Ҳаммаси жойида. Тўғрисини айтсам, осон ишнинг ўзи бўлмаса керак. Ишимизнинг ўзига яраша қийинчилиги ҳам бор, завқи ҳам. Гоҳо кеча-кундуз ишлашга тўғри келади. Бирор кишининг ҳожатини чиқарсангиз эса барча чарчоқлар унутилиб кетади.

***— Касбингизни севасизми?***

— Албатта. Бўлмаса бу касбни танлармидим? Устозларим Гавҳар опа ва Гулора опалар менга ҳамиша маслакдош бўлишган. Уларнинг насиҳати ҳеч ёдимдан чиқмайди. «Одамларни алдаманг, улар ҳақиқатга ишониб яшайдилар. Қонун кучи эса ҳақиқатни рўёбга чиқаришда» деган ўгитларига доимо амал қилишга ҳаракат қилаяпман. Ҳар куни эрта билан ишга келиб менга қанча кўзлар интизор бўлиб, нажот кутиб турганлиги ҳақида ўйлаб қоламан. Касб инсоннинг бир умрлик йўлдоши. Сизни элга танитади, боқади, обрў олиб келади. Шундай экан, инсон имконияти даражасида элига яхшилик қилиши керак. Бугун мен севган касбимда ишлаб, халқимга ҳалол хизмат қилиб келаётганимдан мамнунман.

***— Суҳбатимиз мавзуи касб ҳақида бўлаяпти. Сизнингча ҳуқуқшунос қандай одам бўлиши лозим?***

— Қайси касб эгаси бўлмасин албатта ҳалол, тўғри, ҳар томонлама тарбияланган бўлиши зарур. Бизнинг касбга келсак, бугунги ҳуқуқшунослар юртбошимиз айтганидек халқ хизматкорларидир. Буни унутмаслик керак.

***— Шоирлар қанча шеър ёзмасин, ҳофизлар қанча куйламасин, аёлларни мадҳ этиш учун ҳамиша сабаб топилади. Муштипар оналар, вафоли ёрлар, мунис сингиллар шаънига ҳар қанча мақтов айтсак арзийди. Аммо хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг ошиб бораётгани ҳам жиддий эътиборга молик мавзу. Бу фарзандлар тарбиясига ҳам салбий таъсир этади.***

— Фикрингизни тушундим. Мен аёлларни биллурга қиёслагим келади. Тиниқ. Беғубор. Аёлнинг қалби тоза бўлса, ёмон одамлар туғилмайди. Демак юртимиз тинч, осойишта бўлади. Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, аёлларимиз орасида ҳам билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолаётганлари бор.

Оилада, фарзанд тарбиясида отанинг ҳам, онанинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Яна айтадиларки, аввало тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак. Ота яхши, она яхши бўлса бола ёмон бўладими? Мана шу ҳақиқатни ҳар биримиз дилдан англаб олишимиз лозим.

Тилагим — аёлларимиз ҳамиша гўзал, иболи, қалблари гўдак қалбидай покиза бўлсин. Ҳаёсиз аёлларга худонинг ўзи инсоф берсин...

Венерага яна савол беришга чоғландиму, унинг қоғозларини титкилиб, гоҳ менга, гоҳида телефон қўнғироқларига тез-тез, лўнда жавоб бераётганини кўриб халақит бермаслик учун суҳбатимизни шу ерда тўхтатишни лозим топдим.

Ҳа, Венера Ерниязованинг Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида ўз ўрни, ўзига яраша ҳурмати бор. Ҳурмат эса ўз-ўзидан келавермайди. Бунга фақатгина меҳнат, тинимсиз изланиш, халққа, Ватанга беминнат хизмат қилиш орқали эришиш мумкин.

**Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,**
**«Huquq» мухбири**

ENG, ENG, ENG...

# Бўйдоқларнинг энг бойи

АҚШ долларлари ҳисобида дунёда биринчи мультимиллионерга айланган киши Корнелиус Вандербильд ҳисобланади. 1877 йили вафотидан сўнг у 100 млн. АҚШ доллари миқдоридаги бойликни мерос қолдирган.

◈ ◈ ◈

***Дунёдаги энг бой эркак сифатида Бруней султони жаноб Муда Ҳасанал Болкна Муизаддин Ваддаула тан олинган. Бир йўла бош вазир, молия ва ички ишлар вазири бўлмиш султоннинг шахсий маблағи 1997 йили 30 млрд. долларни ташкил қилган.***

◈ ◈ ◈

Дунёдаги энг бой хоним сифатида қиролича Елизавета II эътироф этилади. Қироличанинг шахсий маблағига баҳо берилаётганда доим турли рақамлар кўрсатилади. 1997 йилнинг апрелида «Санди Таймс» газетасида берилган маълумотга кўра унинг бойлиги 250 млн. фунт-стерлингни ташкил қилган. Бироқ бу рақамга қироличанинг санъат асарлари коллекцияси қўшилмаган. Коллекциянинг умумий қиймати 10 млрд. фунт-стерлингга тенг.

◈ ◈ ◈

***Биринчи миллионер аёл Американинг Луизиана штатида туғилган С.Уолкердир. Етимликда катта бўлган қора танли аёл миллионларини ўзи ишлаб топгани ҳам эътиборга лойиқдир. У косметика бизнесидаги биринчи ишини сартарошхонада мижозларнинг жингалак сочларини силлиқлашдан бошлаган.***

◈ ◈ ◈

Ер юзидаги энг бой оила Дюпонлар оиласидир. Оиланинг 1600 нафар аъзосига тегишли маблағ тахминан 150 млрд. долларни ташкил қилади.

◈ ◈ ◈

***Бўйдоқлар орасида энг бойи 1970 йилда туғилган граф Айвиг ҳисобланади. «Санди Таймс»нинг таъкидлашича, унинг бойлиги 1 млрд. долларга тенг.***

◈ ◈ ◈

Ўз миллионига эришган энг ёш инсон Ширли Темпл исмли киноактрисадир. У ҳали 10 ёшга тўлиб улгурмасидан 1 млн. доллардан кўпроқ бойликка эга бўлган. Ширлининг актрисалик фаолияти 1939 йилда ниҳоясига етган.

◈ ◈ ◈

***Меҳнати кетидан миллиардлар қийматидаги бойликка эришган энг ёш инсон машҳур Билл Гейтсдир. 20 ёшида «Майкрософт» компаниясига асос солган Билл 11 йилдан сўнг миллиардерга айланган.***

◈ ◈ ◈

Маърузa учун энг катта гонорар доктор Роланд Дантга тўланган. АҚШнинг Чикаго шаҳрида талабаларга гипнотерапия мавзусидаги туркум маърузалари учун докторга 3 млн. 80 минг доллар миқдорида гонорар тўланган.

◈ ◈ ◈

***Нақд пул билан қолдирилган энг катта мерос 500 млн. долларни ташкил этган. Бу пуллар 4157 та таълим муассасаларига топширилган.***

◈ ◈ ◈

1991 йил 12 мартда Валтер Анненберг коллекциясидаги санъат асарларини Нью-Йоркдаги «Метрополитен» тасвирий санъат асарлари музейига мерос қилиб қолдиришини эълон қилган. Коллекциянинг умумий қиймати 1 млрд. долларни ташкил қилади.

◈ ◈ ◈

***Аёл киши қолдирган энг катта бойлик 92 млн. 814 минг фунт-стерлингни ташкил қилади. Бу бойлик молиявий магнатлар сулоласининг европадаги аъзоси Дороти Ротшилд томонидан қолдирилган.***

◈ ◈ ◈

Агар сизни бойлар қай даражада пишиқ бўлиши керак деган савол қизиқтирса, эътиборингизга навбатдаги маълумотни ҳавола этамиз. Пишиқлик борасида Генриетта Хоуленд Грин ҳаммани ортда қолдирган. Бу хонимнинг шахсий ҳисоб-рақамида 31 млн. 400 минг доллари бўлган. Бироқ шунга қарамай ўғлини бепул даволовчи шифохонага кечиктириб олиб келгани учун бечора боланинг оёғини кесиб ташлашга тўғри келган. Айтишларича, миллионер хоним ортиқча харажатдан қочгани сабабли кўпинча оддий бўтқа истеъмол қилган.

**Жаҳонгир МАХСУМОВ тайёрлаган.**

AJAB SAVDOLAR

# Памперсдаги «доза»

**Наркокурьерлар қабиҳ нияти йўлида ҳеч нимадан тап тортишмайди. АҚШнинг Бостон шаҳри полициячиси кўча четида турган автомашинанинг орқа ўриндиғида йиғлаб ўтирган чақалоқни кўриб қолади. Ён атрофда чақалоқнинг онаси кўринмагани, болакай эса бор кучи билан йиғлашда давом этаётгани, шунингдек унинг памперси йиртилиб кетай дегани боис, полиция офицери тагликни алмаштириб қўйишга қарор қилади. Памперсни ечиши билан, унинг ичидаги икки пакетга жойлаштирилган кокаинни кўриб ҳайратдан қотиб қолди. Дўкондан чиққан она эса тинтув ноқонуний равишда ўтказилганига эътироз билдириб, бу хусусида тегишли жойларга арз қилишини айтди.**

IXTIRO

# Ҳидлар интернет орқали



**Японияда интернет орқали ҳидларни тарқатиш технологияси кашф этилди. «Эн-ти-ти коммюникейшнз» телекоммуникацион корпорацияси томонидан ўйлаб топилган янги мослама компютерга уланган ҳолда глобал тармоқдан олинган маълумотларга асосан махсус программа ёрдамида автоматик тарзда ҳид таратади. Ташқи кўринишидан мазкур мослама тўртбурчак шаклида бўлиб, диаметри 30 сантиметрни ташкил этади ва ўз ичида 32 хил хушбўй компонент, масалан апелсин ёки атиргул ислари мавжуд. Мутахассисларнинг фикрича, уларни аралаштириш натижасида киши хоҳлаган ҳидини яратиши мумкин.**

**«Эн-ти-ти» корпорацияси вакилларининг сўзларига қараганда янги технология яқин кунларда мухлисларини топса ажаб эмас. Айниқса, ресторан бизнеси билан шуғулланувчилар орасида унга қизиқиш катта. Эндиликда улар интернетдаги сайтлари орқали хўрандаларга нафақат таомнинг ташқи кўринишини, балки таом таратаётган хушбўй исни ҳам тақдим этиши мумкин бўлади.**

**Д.ЭШМУРОДОВ тайёрлаган.**

***Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!***

Ўзбекистон Ҳарбий прокуратураси жамоаси Қарши ҳарбий прокурорининг ўринбосари

**Сапарбой МАМУТОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahriddin VALIYEV, Abduhalim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks:133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Buyurtma Г — 62. 16765 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: J.SHAROFBOYEV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 18.30. 1 2 3 4 5 6 7 8

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda